

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**АБДУВАҲОБОВА М.Р.**

**Қушбеги архивида  
тарихий топонимлар ва  
Бухоро амирлигининг маъму-  
рий-ҳудудий тизими  
(илмий рисола)**

Тошкент – 2006

Ушбу кичик тадқиқот муҳим тарихий манба ҳисобланувчи, лекин ҳалигача батафсил ўрганилмаган Бухоро амирлигининг XIX аср охири, XX аср бошларида шаклланган Қушбеги архиви таркибида катта туркумни ташкил этувчи ҳужжатлар мажмую – аҳоли турар жой манзиллари рўйхатларини ижтимоий, иқтисодий ва маданий жараёнлар давом этган маконлар сифатида тарихий топонимик нуқтаи назардан таҳлил этишга бағишиланган. Тадқиқотда минглаб аҳоли манзилларининг номлари тарихий топонимика ёрдамчи илмий соҳаси усуслари ҳамда морфоструктурал ва лексик-семантик ёндошув асосида синчиклаб ўрганилган. Топонимик материал шунчаки жой номларигина бўлмай, балки этник ва этно-маданий муносабатларни, жамиятнинг ижтимоий хусусиятларини ўрганиш учун асос қилиб олинди.

Тадқиқотдан маҳсус курслар ташкил қилишда, ёрдамчи тарих фанини ўқитиш кабиларда кенг фойдаланиш мумкин.

Масъул мухаррир: тарих фанлари доктори

**М.М. ИСҲОҚОВ**

Тақризчилар:

т.ф.н. **И.Н. ЖАМОЛХОЖИ**

т.ф.н. **Б. АБДУЛЛАЕВ**

## **СЎЗ БОШИ**

Күшбеги архиви XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлиги тарихини ўрганиш учун бекиёс даражада қимматли манбадир. Бу архив хозирда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланмоқда.

Күшбеги архивининг таркиби ҳар хил хужжатлардан иборат. Улар орасида турли мулкий муносабатлар, ҳуқуқий масалалар, ижтимоий, маънавий соҳаларга оид минглаб хужжатлар бор. Буларнинг ҳаммаси биргаликда ижтимоий-иктисодий, маданий-маиший тарих, ички маъмурий бошқарув тизими каби қатор тарихий муаммоларни яхлит ҳал қилишга хизмат қилади. Бошқа жиҳатдан эса Күшбеги архиви соҳалар бўйича турли тарихий муаммоларни – аҳоли демографияси, солик тизими, этник жойлашуви, этник таркиби, маъмурий тизим тарихи ва шу каби бошқа масалаларни ҳал қилиш учун қимматли маълумотлар беради. Бу масалалар фанда кам ўрганилган ва ўта долзарбди. Күшбеги архиви фонди нафакат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиёдаги бошқа мустақил давлатлар тарихига ҳам бевосита алокадор бўлиб, унда асосан тарихан ҳозирги Туркманистон ва Тожикистон худудларининг каттагина қисмини ўз тасарруфига олган Бухоро амирлиги ҳакида сўз юритилади.

Күшбеги архивидан мавзуумизга оид материаллар таҳлилига киришишдан аввал ушбу архивнинг пайдо бўлиши билан боғлик айrim масалаларни кўриб чиқишни лозим топдик.

Маълумки, 1868 йилда Бухоро амирлигининг Зиёддингача бўлган каттагина қисми Россия империяси томонидан босиб олинган. Чор Россиясига сиёсий тобеъ бўлган Бухоро амирлигига Россия империясининг сиёсий агентлиги тузилиб, амирликнинг ташки муносабатлари, ички ижтимоий вазияти агентлик томонидан назорат қилинган. Бухоронинг босиб олинган худудларида бошқарув тизими асосан анъанавий вилоят, туман, қишлоқ, гузар ва бошқа маъмурий погоналар тизими сифатидаги кўринишини сақлаб қолди.

Россия империяси тинмасдан Бухоро амирлигини янада кўпроқ ва ҳар томонлама тобеъ қилиш йўлларини излади ва бунга эришиш мақсадида кўплаб тадбирларни узлуксиз равиша амалга ошириди. Шулардан бири XX аср бошларида Россия томонидан Бухоро амирлигининг аҳоли ресурсларини, хўжалик

иқтисодий салоҳиятини имкон қадар чукурроқ ўрганишга кара-тилган саъй-ҳаракатлардан бири эди.

Россия сиёсий агентлиги шу ҳаракат давомида Бухоро амирлигига мамлакат аҳолиси ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ва маъмурий тизимини ўрганишга йўналтирилган маълумотларни талаб қилиши керак эди. Шу талабга биноан 1914–1915 йилларда Бухоро амирлигининг Күшбеги маҳкамаси томонидан барча вилоятлар, туманлар, қишлоқлар, гузарлар, работлар, мавзелар, даҳа ва бошқалар батафсил рўйхатга олиниб, агентликка керакли материал сифатида тақдим этилган. Шу билан бирга Бухоро амирлиги қошидаги Россия агентлигига бошқарув жараёни учун зарур бўлган муҳим статистик аҳборот тизими мавжуд эди. Күшбеги архивидаги ушбу рўйхат бугунги кунда ўта ноёб тарихий манба сифатида баҳоланадиган мажмуудир.

Гап шундаки, амирлик аҳоли манзилларининг мазкур рўйхати, биринчи навбатда, мамлакат маъмурий тизимининг аниқ манзарасини намоён қилган. Қолаверса, бу рўйхатдаги ўн мингдан ортиқ жой номлари амирликнинг аҳолиси, этник таркиби, хўжалик хусусиятлари, ижтимоий-маданий ҳаёт, хунармандчилик, касбкор турлари, ижтимоий-маънавий тасаввурлар, эътиқод ва ишонч ақидалари каби кўплаб соҳалар хақида қимматли маълумотлар берган.

Бошқа бир жиҳатдан аҳоли манзиллари рўйхати улкан топонимик тарихий материал бўлиб, унинг аҳамиятли томони шундаки, бу ноёб хужжатлар мажмуи тарихий топонимика нуқтаи назаридан мутлақо ўрганилган эмас. Ҳолбуки, Күшбеги архивининг бу мажмуи чукур тадқиқ қилишни ўта долзарб вазифа қилиб қўяди.

Күшбеги архиви таркибидаги Бухоро амирлиги аҳоли манзиллари рўйхатлари алоҳида китоб сифатида кириш сўзи ва факсимил фотоматериаллар иловаси билан нашр этилган<sup>1</sup>. Бундан ташқари Күшбеги архиви таркибидаги тарихий топонимик материал маҳсус тарзда умуман ўрганилган эмас.

Тадқиқотнинг асосий мақсади Күшбеги архивидаги Бухоро амирлигига қарашли аҳоли манзиллари тарихий топонимикасини, бу орқали амирлик вилоятлари, туманлари ва уларнинг тар-

<sup>1</sup> Административное устройство Бухарского эмирата в конце XIX – в начале XX века. – Т., 2001.

кибини ўрганиш бўлиб, буни амалга ошириш учун қуидаги асосий вазифалар белгиланди:

- Бухоро амирлигининг XIX аср охири – XX аср бошидаги маъмурий, сиёсий ҳамда ижтимоий аҳволини ўрганиш;
- амирлик маъмурий тизимининг тарихий топонимикасини тасниф қилиш орқали маъмурий тизимининг тарихий моҳиятини очишга ҳаракат қилиш;
- маъмурий бирликлар номларининг шаклланиш жараёни ва уларни рўйхатлаштириш шарт-шароитлари масалаларини кўриб чиқиш;
- амирлиқда иқтисодий, маданий ҳаёт, этник муносабатлар тарихининг манбаи сифатида мазкур топонимик материаллар мажмумини илмий истифодага киритиш;
- архивдаги ҳудудий маъмурий тизим ҳакидаги топонимик маълумотларни тасниф қилган ҳолда тарихий таҳлил этиш.

Амирлик тарихий топонимикаси бўйича юзлаб қўлёзма рўйхатларни ўқиш ва манба асосида объектив таҳлил қилишда методологик асосини ташкил қилди. Бундан ташқари тарихий топонимлар устида олиб борилган тадқиқотларда қўлланган ижобий ва ижодий таҳлил тажрибаларидан фойдаланилди.

Бухоро амирлиги тарихий топонимикасининг мазмуни, ижтимоий йўналғанлиги, этник мансублиги, жойларнинг рельеф тузилишига боғлиқлик қадамжо ва азиз жойлар сифатидаги эътиқодий томонлари, хўжалик касбкор билан алоқадорлик ва ҳоказо жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда тасниф қилиш, морфологик таҳлил усулларини ишга солиш кўзда тутилди.

Юкорида айтилганидек, Қушбеги архивининг аҳоли манзилари рўйхати, уларнинг номланишига асос бўлган тарихий омиллар илк бора маҳсус ўрганилмоқда. Тарихий топонимлар пайдо бўлиш даври, тил мансублиги, ижтимоий мазмуни, маданий-маънавий соҳалар билан алоқадорлиги ва бошқа хусусиятларига кўра биринчи марта қатламлар бўйича таҳлил этилмоқда. Бу материал Бухоро амирлигининг XIX аср охири – XX аср бошларидағи маъмурий-ҳудудий тузилишини тадқиқ этиш учун хизмат қиласди.

## **I-БОБ**

### **Бухоро амирлигига XIX аср охири XX аср бошларидағи маъмурий тизимнинг тарихий тавсифига доир**

#### **1. Бухоро амирлигининг XIX аср охири – XX аср бошларидағи маъмурий, сиёсий, ижтимоий ахволи**

Бухоро амирлиги XVI асрнинг бошларида Шайбонийхоннинг Ўрта Осиёни забт этиши муносабати билан шаклланган хонлик мақомида амал қилган давлат бўлиб, 1753 йилдан – манғит султонининг тахтга келганидан сўнг амирлик мақомига эга бўлган. Бухоро амирлиги Россия мустамлакачилиги даврида ўзининг маълум худудларини йўқотиб, Россия салтанатининг протекторат кўринишидаги вассаллик шаклида 1920 йил сентябргача мавжуд бўлган. Бу каби сиёсий ўзгаришлар Бухоро амирлигининг сиёсий, ижтимоий холатига таъсир кўрсатган бўлса-да, моҳият-эътибори билан амирлик ўз қўлида сақлаб қолган худудлар бўйича анъанавий, маъмурий тизимни сақлаб қолган.

Бухоро амирлигининг маъмурий бошқарув тизими вилоят, туманлар ва уларга қарашли аҳоли манзиллари сифатида ташкил топган. Мазкур вилоятлар ҳамда бекликлар ўзаро боғлиқ бўлиб, улар марказ ҳисобланган Бухорога бўйсинувчи тизим деб қаралган. Вилоятлар мавзеларга тақсимланган ички тобеъ худудлари ҳамда амлоклик шаклидаги солиқ тўловчи худудлари ҳам маъмурий ҳудудий тизимнинг таркибий қисми ҳисобланган. Баъзан туманлар ихтиёрида бўлган мавзеларнинг мавжудлиги ҳам кузатилади. Ҳозирги маъмурий тузилмаларга қиёс қилиб олинганда, баъзи ҳудудлар бугунги ўлчов нуқтаи назаридан «туман» деб қараладиган ҳоллар Бухоро амирлиги маъмурий тизимида «вилоят»ларга тенглаштирилган (Хатирчи вилояти, Кармана вилояти, Зиёддин, Келиф, Чахаржўй, Нурота, Қарши, Хузор, Яккабог, Чироқчи, Китоб, Шаҳрисабз, Шеробод, Бойсун, Дехинов ва бошкалар). Баъзи вилоят ҳисобланган худудлар ҳозирги туманларнинг ички ҳудудий бирликлари даражасида кичик майдонларни эгаллаган ҳолатлар ҳам учрайди (Кармана вилояти, Пирмаст, Хутфар каби кичик ҳудудлар ўз даврида хазинага даромад келтириши миқдорига қараб юқори нуфузли ҳисобланган. Туркманистонга қарашли Устий вилояти атиги 15 қишлоқдан

иборат бўлган. Шунга ўхшаш Бурдалиқ вилоятида 14 та, Келиф вилоятида 24 та аҳоли манзиллари бўлган.

XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлиги таркибida жами 27 та вилоят ва 11 та туман мавжуд эди. Туман мақомига эга бўлган аҳоли пунктлари асосан Бухоро атрофида жойлашган. Улардан Шимолий-и Руд ва Жанубий-и Руд 1915 йилда ташкил этилган бўлиб, улар Бухоро шаҳри орқали ўтган Шоҳруд каналининг икки қирғоги бўйида жойлашган. Бу ҳақдаги маълумот Абдураҳмон Тамкин Бухорийнинг «Матали ал-Фахира ва маталиб ат-Ториха» асарида келтирилган<sup>1</sup>.

Мазкур икки янги туман бошқа туманлардан маъмурий жиҳатдан фарқ қилиб, уларда маъмурий бошқарув маркази мавжуд бўлмаган. Бу туманлардан йигиладиган солиқ тушумлари устидан Бухоро маъмурий ҳокимиятида тош-тарози, бозор нархлари, вақф мулкларининг хисоб-китоби устидан назорат қилувчи амалдор Садир – раис жавобгар хисобланган. Бошқа туманларда эса маъмурий солиқ тизими устидан туман ҳокимликларининг қозилари назорат олиб борар эдилар. Ўз навбатида, улар амирликнинг қози-калон мансабидаги шахсга бўйсунар эдилар.

Абдураҳмон Тамкин Бухорий Бухоро маъмурий тизимида туманлар шаклланишига асос бўлган анъана ҳақида гапирав экан, у узок ўтмишда саксон аҳоли манзилини бир туманга бирлаштиришга қарор қилинганини, кейинчалик эса туманлардаги аҳоли манзилларининг сони бу меъердан кўпайиб кетгани ҳақида айтиб ўтади. Ҳақиқатдан ҳам, Күшбеги архивида келтирилган маълумотларига кўра, 1915–1916 йилларда ҳар бир туманда ўрта хисобда 120–340 тагача аҳоли манзиллари бўлган.

Бухоро амирлигининг вилояtlари асосан дарё водийлари ва воҳалар ёнбагирларида жойлашган. Рус истилосидан кейин Кармана, Хатирчи, Зиёддин вилояtlари, Нурота тизмасининг икки тармоғи – Оқтов, Қоратов ўртасидаги Нурота вилояти – Зарафшон дарёси, Қарши, Хузор, Яккабог, Чироқчи, Китоб, Шаҳрисабз вилояtlари – Қашқадарё водийси, Шеробод, Бойсун, Дехинав, Сарижўй вилояtlари – Сурхондарё, Чахаржўй, Устий, Карки, Келиф, Бурдалиқ, Кабодиён, Қўргонтепа, Ҳисор, Корате-

<sup>1</sup> Мухамеджанов А.Р. Населенные пункты Бухарского эмирата. – Т.: Университет, 2001. – Б. 4.

гин, Кўлоб, Болжуwon, Дарвоз ва Шуғон вилоятлари – Амударё ёнбағирларида жойлашган эди. Улар орасида Туркманистон худудидаги вилоятларда аҳоли манзиллари нисбатан кам бўлган.

Шуниси қизиқ-ки, кўп ҳолларда вилоятларда ва туманларда аҳоли сон жиҳатидан тенг бўлган. Вилоятлардаги каби туманларда ҳам 100 дан 400 гача аҳоли манзиллари ҳисобга олинган ҳолатлар учрайди. Бухоро маъмурий-худудий тузилмалари ўртасида бўлинишлар, қўшилиб кетишлар, биридан иккинчисига мавзеларни ёки амлокларни ўтказиш ҳодисалари рўй бериб турган.

Хатто баъзи амлокликлар маҳаллий-маъмурий бошқарувга бўйсунмаган ҳолда тўғридан-тўғри Бухоро марказий ҳокимиятида ҳисоботда турган. Масалан, 1914 йилда Самжон тумани Хутфар туманига бирлаштирилиб, бевосита марказга боғланган. Шунингдек, бирлаштириб юборилган Шофурком ва Пирмас туманлари ҳам марказий ҳокимиятга тобеъ бўлган. Илгари амлок мулки ҳисобланган, XX аср бошига келиб вилоят номини олган Комимиф, Янгиқўргон, Қорамон вилоятлари ҳам маъмурий маънода Кармана вилоятига бўйсунган. Нурота вилояти эса Хатирчи вилоятига қарашли ерга ўтган.

Юқорида келтирилган барча вилоят, туман ва амлоклар ўз ҳудудларида мавзелар, аҳоли жамоаларининг масжидлари томонидан ҳам назорат қилинган. Ҳар бир мавзе аҳолиси жамоаларининг жойлашган тартибига кўра қишлоқлар ва уларнинг масжидлари бўйича ҳисобга олинган. Баъзи мавзеларда 10 дан ортиқ масжидлар бўлган.

XX аср бошларида «мавзе» ва «қишлоқ» тушунчалари баъзан бир хил маънода ишлатилган. Бу даврда қишлоқ оксоқолларининг ҳокимияти, диний-руҳоний назоратдан кўра устун бўлган. Ўз навбатида бу амирлик хазинасига тушадиган солиқ йигинларининг бўлинмаслигини таъминлашдан келиб чиқади. Чунки руҳоний бошқаруви солиқ тизимиға аралашган тақдирда диний муасасалар ўз манфаатини таъминлашга ҳаракат қилиши табиий эди.

Шуни таъқидлаш лозимки, Карки вилояти мавзеларининг майда аҳоли манзилларига бўлинишида ўзига хослик мавжуд бўлиб, ушбу вилоят мавзелари, бошқа вилоятлардан фарқли равиша, Бекча деб аталган кичик маъмурий тузилмаларга ажра-

тилган. Ҳар бир Бекчада ўз бекчахонаси бўлиб, улар орқали аҳоли қишлоқлари бошқарилган.

Бухоро амирлигининг маъмурий-бошқарув тизимида «гузар» деб аталмиш аҳоли манзиллари 2 хил талқинга эга бўлган. Жумладан, Бухоро шаҳридаги гузарлар ўзини ўзи бошқарган ва амирлик марказий тизимига бўйсунгандан маҳаллачилик маъмурий бошқаруви Нурота вилоятига нисбатан гузар тушунчаси туман ва амлоклар даражасига қараганда йирик маъмурий-ҳудудий бирликни билдирган. Нуротада ҳар бир гузар бир неча қишлоқни бирлаштирган. Амударё бўйлаб Қоратегин вилояти рабоваларга бўлинган, улар эса, ўз навбатида, мавзе ва қишлоқларга тақсимланган. Помирдаги Рушон ва Шуғнон вилоятлари ўз ички маъмурий районларини оқсоқолликлар тизими сифатида тақсимлаган.

1914 йил маълумотларига кўра (Күшбеги архиви), амирликдаги аҳоли манзилларининг маъмурий номланишида учта атама етакчилик қиласан: қишлоқ (туркийча), мавзе (арабча), деҳа (тоҷикча). Баъзи амлокликларнинг аҳоли манзиллари тўлалигича шу номлардан бири билан аталган. Масалан, рўйхатлардаги ҳужжатларга кўра Деҳати вилояти Чироқчи, Қишоқони тумани шаҳри Яккабоғ ёки мавзехои вилояти Кармана каби тафсилотлар ишлатилган. Бу атамалардан бири – деҳа кўпинча турили фонетик вариантларда учрайди. Жумладан 60 аҳоли манзилига нисбатан Болжуан вилояти бўйича Дий, Дих, Деҳа, Деҳот каби шакллар кўлланган. Худди шунингдек, Қоратегин вилоятининг 30 аҳоли манзилига нисбатан ушбу вариантлар галма-гал кўлланган. Қоратегин вилоятида 22 та, Кўлоб вилоятида 46 та қишлоқлар Дий, Дей, Деҳа каби топоформентлар кўлланган.

Мавзе атамасининг кўлланиши доираси ҳам маълум даражада чекланган. Масалан, Сарижӯй, Болжуан, Самжон, Шофурком вилоятларида аҳоли манзиллари кўпроқ мавзелар деб аталган қишлоқ атамаси амирликнинг 14 та вилояти ва 5 та туманига тўғри келади.

Кўпинча амирликнинг туман бирликлари ушбу ҳудудни сув билан таъминловчи ариқ ва анҳорларнинг номлари билан боғлиқ бўлган. Шу жумладан Қоракўл тумани ўз доирасидаги аҳоли манзилларини асосан уларни сугорган каналлар билан боғлиқ холда наҳрларга бўлган. Қоракўл туманида 9 та маъмурий бўлинмадан 7 таси наҳрлар деб аталган. Шу каби Камот тумани ҳам 5 та комга, Коми-оби Муслим эса 4 та комога бўлинган. Бу ўринда ком

сўзи қазилган ариқ (анҳор) демакдир. Комот шакли эса арабий кўплик қўшимчаси -отни қабул қилган. Коми Абу Муслимнинг 4 комага бўлининиши ком сўзидан кичрайтириш маъноси орқали ясалган атамадир. Пирмаст тумани 1914 йил рўйхатлари бўйича 3 та рудга бўлинган. Руд сўзи ҳам тожикчадан анҳор демакдир.

Юкорида келтирилган маълумотларга таяниб Бухоро амирлигига ижтимоий ҳаёт манзараларини тасаввур қилиш қийин эмас. Аввало амирлик аҳолисининг этник таркиби турли-туман бўлган. Амирликда ўзбеклар, туркманлар, тожиклар етакчи этник гурухларни ташкил қилгани ҳолда бир қатор майда этник гурухлар ҳам истиқомат қилган. Аҳолининг шаҳарлардаги жойлашуви ҳам кўп ҳолларда этник хусусиятларни ҳисобга олган. Лекин бу хилма-хиллик тарихий анъанавий хусусиятга эга бўлгани сабабли амирликда миллий этник зиддиятлар кўзга ташланмайди. Уруғ-аймокчилик омиллари туфайли рўй бериб турадиган вазиятлар бундан мустасно бўлиб, бундай этник омиллар сиёсий ҳаётга таъсир кўрсатиб турган. Масалан, Бухоро амирларининг Китоб ва Шаҳрисабз кенегеслари орасида доимо зиддиятлар бўлган. Манғит кенегеслари ўртасидағи анъанавий зиддиятлардан асосий мақсад эса ҳокимиятга таъсир ўтказиш эди. Туркий ва эронийзабон аҳолининг уюшган ҳолда худудий жойлашуви масаласида этник ўзаро келишмовчилик аломатлари у қадар кўзга ташланмайди. Энг муҳими, Бухоро амирларининг манғит туркий этник уруғидан эканлиги ўзбек ва тожик аҳоли муносабатларига салбий таъсир кўрсатмаган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро амирлиги маъмурий-бошқарув тизимида анъанавий хусусиятларини асосан сақлаган, лекин маъмурий тизимда бир қатор ички ўзгаришлар ҳам содир бўлган.

Бухоро амирлиги аҳоли манзилларининг маъмурий тобеълик тизими кўпроқ давлат хазинасини тўлдириш мақсадларини кўзлаган ҳолда уюштирилган. Шу туфайли маъмурий-худудий бирликлар ўртасида мавзе ва қишлоқларнинг тақсимланиши баъзи жузъий ўзгаришларга имконият қолдирган. Амирлик аҳоли манзилларининг шаклланиши дарё водийлари ва воҳалар бўйича юзага келган. Асосий ва тармоқ дарёлардан Зарафшон, Амударё, Сурхондарё, Шеробод кабилар ҳаётни таъминловчи омиллар

сифатида аҳамият касб этган. Сув билан таъминловчи ариқ ва анҳорлар бўйлаб жойлашган вилоят ва туман бирликлари ўз атрофларида мавзе ва қишлоқларни ҳамда уларнинг масжидларини бирлаштирган. Аҳоли манзилларининг атамаларидағи ўзаро фарқлар кўпинча маҳаллий анъаналарга боғлиқ бўлган.

## **2. Амирлик маъмурий тизимининг тарихий топонимикасига таснифий ёндошув масаласи**

Бухоро амирлиги аҳоли жой номларининг шаклланишида маъно асосларини ташкил қилувчи бир неча омиллар мавжуд эди. Бу эса амирликнинг аҳоли яшаш манзилларининг номланиш тизимиға муайян таснифий ёндошув учун асос бўлади.

Амирлик аҳоли манзиллари таснифининг бир неча маъмурий ижтимоий асоси бор. Биринчи галда бу масалага туманлар, вилоятлар (ёки аксинча, вилоятлар, туманлар), амлоклар ва бошқа маъмурий погоналар бўйича топонимларни алоҳида гуруҳларга бўлиб, уларнинг номланиш тамойилларини, маъно асосларини кўриб чиқиши зарурдир. Ушбу масалага «Населенные пункты Бухарского эмирата» китобида маҳсус эътибор қаратилиб, дастлабки қадам кўйилган. Биз эса масала давомида турган бошқа вазифани кўриб чиқамиз, яъни аҳоли жой номларининг йирик ва майда маъмурий тизимларининг топонимик шаклланиш тарихини ташкил этишга уриниб кўрамиз.

1) Бухоро амирлигининг йирик маъмурий бирликларидан бири туманлардир. Уларнинг номланишига сабаб бўлган омиллар бўйича қуидагиларни кузатиш мумкин. Уларнинг аксарияти анҳор (каналлар) номи билан боғлиқ бўлиб, улар қуидагилардир: Жанубий Руд (руд – «дарё», «анҳор»); Комот (ком –«арик», «канал»), Коми Абу Муслим («Абу Муслим каналы»), Қора кўл (кўл – «сув ҳавзаси»), Харкон Руд («Катта қазилма ариқ»), Шоғурком (Шоҳ муҳр ном – «Шоҳ ўғлининг ариғи»), Шимолий Руд (шимол томонда жойлашган анҳор ёки анҳорнинг шимолидаги ҳудуд). Демак амирликнинг туманларидан 7 таси шу ҳудудлар учун ҳаёттий зарур сув манбалари номлари билан боғлиқ аталган, қолган 4 туманнинг номланишида хозирда маъноси бир қадар унтилган атамалардан қолдиқ бор деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, Пирмаст – бу сўзниң ўзагидаги «пир»нинг қисми «девор» мув-

дофаа иншооти деб талқин қилиниши мумкин (М. Исҳоқовнинг берган изоҳларига кўра). Чунки «пир» сўзи қадимда мудофаа иншоотларини номлашда илгари ҳам учраган: кампирдан девор, яъни атрофи хандоқ қилиб ўралган кўргон девори.

Самжон атамасига етарлича изоҳ топилмади. Хайробод атамаси эса, «хайр», «яхшилик» ва «обод» қисмларидан ташкил топган.

Хутфар атамаси ҳам жуда қадимиј асосга эга. Сўз ўзагини нашрдаги сингари -ху каби ўқиш тўғри бўлмаса керак. Чунки маҳаллий шароитда бу сўз -ғу шаклида талаффуз қилинади. Сўзниң иккинчи қисми феъл ўзагидан иборат. Тифар – сўғдча «бермок» демакдир. Демак Fu – тифар топоними Гафа – тифар деб фонетик тикланиши мумкин. Бунинг маъноси Авесто китобидаги Гава деб аталган ўлка номига бориб тақалади. Бу тахминиз тўғри бўлса, Ғутифор «Гавадон инъом бўлган ер, ҳудуд» деб талқин қилиниши мумкин. Бу талқин Гава сўзида илохий маъно бор дейишга ҳам асос бўлса ажабмас.

Шундай қилиб, амирлик ҳудудларида туманларнинг номланишида икки тарихий асос намоён бўлади. Биринчиси, сув, анҳор, сув таъминоти иншоотлари жой номларининг келиб чиқишига асос бўлган бўлса, иккинчиси эса қадимиј, ҳозирда маъноси унутилган қатламга хос атамалардан иборат.

2) Бухоро амирлигининг вилоят номлари тарихий асослари туманларнинг номлари каби қатламларга бўлиниши қийин. Чунки уларнинг аксарияти луғавий маънода тўғридан тўғри тушунирилиши қийин. Шундай бўлса ҳам мазкур нашрда берилган рўйхат асосида номларни тарихий изоҳлашга ҳаракат қиласиз.

Бойсун-тоғ тизмаси, аҳоли манзили ва вилоят номи. Вилоят номланишининг маъмурий маркази Бойсун қишлоғи билан боғлиқ. Бу атамани туркий уруғ-қабила, этник ном билан боғлаш мақсадга мувофиқдир.

Балжуан – ўзакда «бал» – «боло», «юқори» маъносини билдиrsa, -жу, -жўй – «арик», «сув» маъносида бўлиши мумкин, яъни Боло Жўйон юқорисидаги ариқлар.

Бурдолик – тожикча-туркча морфологик элементлар бирикмаси. «Бурдо» – «кесилган», «кирқилган», «бўлинган», -лик, -ли, -лик – каби «мавжудлик» маъносини берувчи ўзбекча аффикс иштироқидаги тожикча ўзак бурнинг «кесмоқ, бўлмок» шаклида кўриниши.

Дарваз – Помирдаги жой номи.

Дехнау – «янги қишлоқ» ҳозирги Ўзбекистоннинг Денов тумани маркази бўлмиш қадимги маъмурий марказ номи билан боғлиқ.

Зиёддин (Зийоддин) – Самарқанд–Бухоро йўли устида жойлашган манзил. Шахс исми асосида юзага келган.

Яккабоғ (нашрда Йаккабоғ) – Қашқадарё водийсида жойлашган вилоят топонимнинг морфологик таркиби як – «бир» «якка», «ягона» ҳамда «боғ» сўзларидан ташкил топган.

Қобадийон сўзида «қубод» ўзаги ва -йон қўшимчасини ажратиш мумкин. Кубод мифологик подшоҳнинг исми (русча илмий адабиётда Ковад шаклида бериб келинмоқда); -йон эса «ҳимоят», «ён босиши», «асровчилик» маъноларига эга. Қадимги ономастикада – исмлар бериш анъанасида бу формант – шакллантирувчи сўз кўп учрайди. Масалан, сўғдча Ревахшйон, Махйон ва бошқалар.

Коратегин – қадимги туркий асосга эга. Қаро – «улугъ», «ката», тегин «шахзода», «тахт вориси» маъноларига эга.

Карки атамасини очик қолдирамиз.

Кармика – ҳозирги Навоий шахри даҳамасидаги шаҳар номи. Қадимда бу жой Буюк Ипак йўлининг Бухоро–Самарқанд карvon йўли тўхтаб ўтиладиган манзилларидан бири эди. Шундан келиб чиқиб, «карвон» сўзи ўзагидаги -кар қисмини ҳам «кармина»даги «кар» ўзаги билан солишириш мумкин. Қарши–Наҳшаб воҳасининг ўрта асрлардаги маркази бўлган шаҳар номи билан боғлиқ вилоят номи. Уни XIV асрда Кебекхон Курган қаср билан боғлаб, муғулчада Қарши – «сарой», «қаср» дегани, деб изоҳлаб келинади. Лекин бу атаманинг маҳаллий маъносини очиш лозим.

Китоб атамасига «кифти об», яъни, сув бўйида жойлашган манзил деб изоҳ берилади.

Кўлоб сўзи ҳам сув ҳавзаси асосида пайдо бўлганлиги намоён бўлади.

Кўргон теппа вилояти ҳозирги жанубий Тожикистонда, Бухоро амирлигининг Амударё бўйлаб жойлашган вилоятларидан бири. Қадимги Тожикистонга карашли манзиллардандир. «Кўргон» қисми туркий тил асосида, «теппа» қисми тожикча.

Нурота – авлиёлаштирилган мифологик тимсолий шахс номи билан боғлиқ тасаввур этилади. Ривоятга кўра Мухаммад

(с.а.в.) Меържда туриб кўзлари нур таратиб турган ерга – Нуротага тушган эмиш. Нурота ҳозирда мана шу номдаги шаҳар ҳамда у билан маъмурй маънода боғлиқ бўлган жўш ва бошқа гузарлар устидан хукмрон бўлган.

Сари жўй – вилояти Сурхон водийсида жойлашган. Бу вилоятдаги мавзе ва қишлоқлар рўйхати Бухоро амирлиги талаби билан тузилиб жўнатилганилиги ҳакидаги маҳсус мактуб ҳам етиб келган (Кушбеги архивида Ф-140 рақамли ҳужжат). Сари жўй – «ариқ боши» демакдир.

Устий вилояти амирлик таркибига кирган бўлиб, туркманлар яшаган манзил номи.

Хатирчи–Самарқанд вилоятида Миёнкол ороли тугаши ва Зарафшоннинг Оқдарё–Қорадарё тармоқлари кўшилишидаги жойлашган вилоят номи. Бу атамада, М. Исҳоқовнинг фикрича, I-то-вуши фонетик силжишга учраган. Сўзда чорвадорлик касбий атамаси акс этган. Яъни Хатир – хачир от ва эшакни маҳсус урчиши орқали олинадиган иш ҳайвони. Хатир (хачир) чидамли, бақувват ҳайвон. Ўзидан насл бермайди. Қадимги туркий тилда («Девону лугатит турк») хатир шакли сақланган. Хатирчи вилояти чорва хўжалигининг шу соҳаси билан машҳур жойлардан бири бўлган.

Ҳисор вилояти ҳозирги жанубий Тожикистанда жойлашган қадимги ва ўрта аср Кўргон шаҳрининг номи. Амирлик давридаги вилоятлардан бири. Бу вилоят номи «қалъа» деб таржима қилиниши мумкин. «Населенные пункты Бухарского эмирата» нашридаги 147–159 ҳужжатларда Ҳисор вилоятининг мавзе ва қишлоқлари рўйхати берилган.

Хузор – Қарши воҳасининг жанубий чеккасида жойлашган ўрта аср вилояти. 1914 йилги рўйхатга олиш чоғида Бухорога мактуб билан бирга бу вилоят қишлоқларининг рўйхати ҳам юборилган. Юқорида номи зикр қилинган нашрда 110–117 ҳужжатларда мазкур рўйхат берилган.

Хузор сўзининг маъноси қадимги сўғдчадан «яхши манзил», «хуш ер» демакдир.

Чаҳор жўй вилояти номланишида тоҷикча чаҳор «тўрт», жўй – «ариқ» демакдир. Чирокчи–Қашқадарё воҳасидаги вилоят. Касб номи, кулолчилик билан боғлиқ атама. Ҳозирги Чирокчи туман маркази асосида пайдо бўлган;

Шахрисабз – шаҳарсозлик тарихимизнинг Узункир, Санғиртепа, Подаёток, Китоб тизимининг сўнгги бўғини асосидаги шаҳар марказларидан бири. Илк ўрта асрларда Кеш деб аталган.

Шеробод – Шеробод дарёси бўйлаб жойлашган аҳоли манзили номи асосида юзага келган вилоят.

Шуғнон – Помирдаги аҳоли манзилларидан бири асосидаги вилоят. Этник маънода ўзларини шуғнонийлар деб атовчи, шарқий эроний тиллардан бирида сўзлашувчи халқ номидан олинган.

3) Бухоро амирлигига маъмурий бошқарувнинг ўрта бўғинига хос амлоклар тизими умумий рўйхат бўйича 330 га яқин аҳоли манзилларидан иборат бўлган. Уларнинг топонимик таҳлили шуни кўрсатадики, номланиш асосида турли хил топоформантлар мавжуд. Масалан, руя «юз» маъносидаги сўз бўлиб, «Офтоб руя» атамаси «кун», «қуёш нури тушадиган томондаги жой» деган маънони билдириб, бу жой тог ён бағрининг жанубий томонида жойлашгандир.

Кўпгина топонимлар таркиби амлоклар бўйича «арик», «ком», «жўй», «руд» ва бошқа формантларга эга бўлиб, улар яхлит маънода «сув», «анхор», «арик» каби сув таъминоти иншоотлари асосида пайдо бўлган: Тошариқ, руди Султонобод, руди Шофиркон.

Яна бир гуруҳ амлок мулкларининг номларида касбкор маъносидаги формантлар учрайди: Бурйобоф – «буйра тўкувчилар», Бур қишлиги каби.

Бешариқ, Бешкент, Уч уруқ каби сон + от типидаги номлар ҳам кўп учрайди.

Бир қатор атамаларда ижтимоий маъмурий лавозимлар формант сифатида ишлатилган. Йусуф, Мингбоши, Мехтор. Баъзи амлоклар «азиз», «мўътабар» жой маъносидаги зиёратгоҳларнинг номлари асосида пайдо бўлган: Хизр шоҳ, Хожа Соктарий, Нахри Зиёрат, Ҳазрати Лангар, Ҳазрати Султон.

Баъсан эса топонимларда амлок мулклари аҳолиси этник жиҳатдан қайд этилган: шини ўзбакийа – «ўзбеклар ўтирган ер», Пушкина ўзбакийа ва бошқалар.

Этник номлар асосида шаклланган амлок номлари ҳам кўп учрайди; каромон (ўзбек туркман уруғларининг аждод оталаридан бири номи билан аталувчи тоифаси. Оқмон туркман уруғларига зид қўйиб тушунилган); Қорлук ўзбек халқи таркибий асо-

сларига кирган этник гурух. Бу тоифа хозирги ўзбек халқи таркибида ҳам мавжуд. Қизиги шундаки, амлоклар рўйхатида қарлук Келиф вилоятида, туркманлар билан ёнма-ён ҳолда келган.

Фалхар амлоки топоним сифатида «тоғ устидаги» жой маъносидаги қўшма сўздир. Сўғдча – Парғар (М. Исҳоқовдан).

Сарғар, Сари Осийо, Сари жўй, Сари пул, Сари чашма каби амлок номларида Сар – ўзаги «бошланиш жой» маъносида бўлиб, топонимларнинг маъносини гар «тоғ», осийо «тегирмон», жўй «арик», пул «кўприк», чашма «булoқ» каби формантларни юзага чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда, амлокларнинг топонимик маъно доираси жуда кенг, уларда жойларнинг рельеф тузилиши, иншоотлар, ариқ ва каналлар, лавозим ва мартаба номлари, этник номлар, касбкор атамалари, зиёратгоҳлар билан боғлик тасаввурлар, хўжалик ишлаб чиқариш, касбий тушунчалар ва бошқа кўплаб унсурлар шакллантирувчи, маъно ташувчи вазифасини ўтаган.

Булар, ўз навбатида, Бухоро амирлигининг ижтимоий, иқтисадий, маънавий тарихига хос далиллардир.

Бухоро амирлиги тарихий топонимларининг таркиби бўйича тасниф қилиш асосида ўрганиш кўпгина тарихий-ижтимоий муммаларни ҳал қилиш имконини беради. Шу билан бирга бу мухим тарихий материал Бухоро амирлигининг аҳолиси, этносоциал таркибини ҳам тасаввур этишга ёрдам беради.

Амирлик тарихий топонимикасининг маъмурий тизим бўйича караб чиқиши давлат бошқарувининг худудий асосларини ўрганиш учун манба бўлиб хизмат қиласи.

Тарихий топонимларнинг каттагина гурухи ёки тоифаси амирлик худудларидағи турли рельеф тузилмалари, сув манబалари ва ҳавзалари, эътиборга лойик тарихий обьектлар, табиат мўъжизалари, халқнинг эътиқоди, ишонч ва инонларини акс этиради. Айни шу хусусиятлари билан булар ўз навбатида у ёки бу худудларнинг ўзлаштирилиши, аҳолининг тарихий миграцияси (баъзан депортацияси – кўчирилиши), жойларнинг тарихий географиясига оид маълумотларни аниқлашга ёрам беради. Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, Бухоро амирлиги Күшбеги архиви маъмурий тизимиға оид тарихий топонимларни тасниф асосида таҳлил этишга ҳаракат қиласиз.

## Этнотопонимлар қатлами

Амирлик худудлари тарихан эгаллаган майдонларида йирик этнослардан асосан ўзбеклар (тарихан ўтроқ водий ва воҳаларда яшаган чигатои туркийлар, XVI аср бошида Даشتி Қипчоқдан келиб қўшилган уруғ ва қабилалар давомидаги ўзбеклар), тоҷиклар, туркмандар, қозоқлар, кирғизлар, қорақалпоқлар ва бошқа этник мансубликка эга бўлган аҳоли диаспорасининг жойлашув манзараси, ўзаро этно-ижтимоий, маданий алоқалари, иқтисодий муносабатлар ва шу каби бошқа масалаларни ўрганиш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, бу этник-тарихий манзарани топонимик материал асосида кўриб чиқамиз.

Юқорида қайд этилганидек, Бухоро амирлиги этнотопонимик манзараси тарихан кўп қатламли бўлиб, хронологик жиҳатдан ҳам бир неча минг йилликни ўз ичига олади. Шу маънода этник топонимлар орасида икки асосий қатlam яққол кўзга ташланади. Биринчи қатlam, туркийзабон этно-топонимлар бўлиб, булар ўз навбатида ички тарихий қатламларга бўлинади. Жумладан энг қадимги туркий қатlam турк-мўғул қатлами чигатои туркий қатламига ва ниҳоят дашти қипчоқ ўзбек уруғларининг этник бўлинишларига тааллукли этно топонимлардир. Булардан ташқари, қозоқ, қорақалпоқ, туркман каби нисбий мустақил элатлар, қавмлар ва ҳалқ номлари ҳам топонимлар қаторида учраб туради. Жумладан қозоқ уруғларига мансуб далли қозоқ, аргун каби исмлар учрайди. Турк қозоқ умумий этник топонимлардан найман, мўғул, турк топонимларидан дўрмон, қадимги турк топонимларидан қарлуқ, илк ўрта асрлардаги бўлинишлар оқибатида қарлуқлар алоҳида, қипчоқлар алоҳида жойлашган ҳолатлар ҳам кўзга ташланади. Қора кўнгирот, қора кўйинли, қора қовчи каби атамаларда шу номли уруғларнинг қабила уюшмасига **нисбатан** бериладиган катта ижтимоий бирлашмалари кўзда тутилади. Зеро, бу ўринда қора сўзи ранг маъносида эмас, балки «катта», «улуг» деган қадимги туркий маъно асосида изоҳланади.

Бухоро амирлиги этно-топонимлари орасида IX–X асрларда туркий ҳалқларнинг ўғуз тармоғидан ажралиб чиқсан, туркман уруғларига тегишли жой номлари ҳам учрайди. Қозайоқли, Хонжиғали, Бугажинли каби этно-топонимик маълумотлар шу гурухга мансубdir.

Хронологик жиҳатдан анча қадимий даврга, хусусан араб истилоси даврларига мансуб бўлган бу этник топоним алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу топоним Тозийча бўлиб, ўзига хос тарихга эга. Тозий сўзини профессор М. Исҳоқов сўғд манбаларидаги араб маъносига эга бўлган сўз билан боғлайди. Чиндан ҳам илк ўрта асрларда араблар Ўрта осиёликлар томонидан Тозийлар деб аталган. Кейинчалик ислом динини қабул қилган аҳоли ҳам араб бўлди, деган маънода Тозий деб атала бошланган. Мовароуннахр аҳолиси исломни қабул қилгандан сўнг, эронийзабон аҳоли туркийлар томонидан тожик, яъни араб бўлганлар деб атала бошланган. Шу туфайли ҳозирги тожик этносининг номи аслида араб деган маънодан келиб чиқкан<sup>1</sup>.

Ушбу қисқа тавсифдан кейин этно-топонимларни тавсифий кетма-кетликда таҳлил қилишга киришамиз.

Абдал қишлоғи Чоҳаржўй вилоятининг бўйни узун қасабасига тегишли қишлоқ. Абдал атамаси энг қадимги этник номлардан бўлиб, туркий қавмларнинг милодий V–VI асрларда яшаган тармоғининг эфталит уюшмаси демакдир. Бу атама ҳозирга қадар европа олимлари томонидан эронийзабон Ўрта Осиё ҳалқига нисбат бериб келинади. Лекин бу ўринда туркий қабила ва уруғларнинг Абдал номли тармоғи бўлганлиги эътиборга олинмайди. Абдалларнинг туркий эканлигини М. Исҳоқов ўзининг маҳсус чиқишиларидан бирида асослаган эди. Мисол тариқасида олим Фориш районидаги Қора абдал қишлоғи номини келтиради ва тарихий асослари жиҳатидан Абдал уруғининг катта тўпи томонидан тоғ яйловларида барпо қилинган қишлоқ деб баҳолаган<sup>2</sup>.

Қозоқ этник номи асосидаги тарихий топонимлар Бухоро амирлиги маъмурий тизимида аҳамиятга эга. Уларнинг номланишида ёнма-ён яшаган аҳолининг қайси тилда гапириши ҳам акс этган. Масалан, Қозоқон, қозоқони боло каби қишлоқлар қозоқ этноси ва тожик тилли аҳоли билан қўшни яшаганини кўрсатади. Қозоқлар, қозоқли, қозоқ работ, тўғридан-тўғри қозоқ деб аталган қишлоқлар ўзбек тилли аҳоли билан бевосита алоқада яшаган. Қозоқ этно топоними тарқалган районлар амирликнинг бир қанча вилоятларда учрайди. Булардан қозоқча номли қишлоқлар Хузор

<sup>1</sup> Исҳоқов М. Унугтилган подшоликдан хатлар. – Т., 1992. 10-11 бетлар.

<sup>2</sup> Исҳоқов М. Абдал – қора абдал – туркий қавм номи // Педагогика универсиитети илмий конференция материаллари. – Т., 2005.

вилоятида Фазли Қарши амлоклигига, Чакар ва Зиёддин амлокликларида бўлган. Хузор Қашкадарё воҳасида бўлса, қолган икки қишлоқ Самарқанд воҳасининг Каттақўргон музофотида бўлган. Қозоқон ва қозоқони боло қишлоқлари Тожикистоннинг Қоратегин вилояти ҳамда Ҳайробод туманларида бўлган.

Қозоқли қишлоғи Қаршида бўлса, Қозоқработ Кармана яқинидаги Харқонруд (Қалқонота) туманида жойлашган.

Этнотопонимик асосда юзага келган маъмурий бирликларнинг қаторида асос эътибори билан муғул-турк уруғ ва қабилачилик анъаналарини давом эттирган аҳоли манзилларидан Дўрмон номли қишлоқлар дикқатга сазовор. Дўрмон номи билан Бухоро амирлиги худудларида 17 қишлоқ рўйхатга кирган. Шулардан бири ёзувларда Дўрмано шаклида акс этган. Бу шакл дўрмон уругига мансуб аҳолининг тожикча кўплик кўшимчаси орқали берилганидир. Яъни дўрмонҳо (фонетик вариант дўрмоно) – дўрмонлар.

Юқорида келтирилган қозоқ этносига алоқадор яна баъзи этнонимик жой номлари мавжуд. Булардан бири Арғун бўлиб, Кармана вилоятининг Янги Ариғ касабасида жойлашган.

Бундан ташқари Арғун қишлоғи Кўрчи билан Дехнау вилоятида бўлган. Бу ўринда Дехнау Сурхон воҳасидаги Денов туманига тўғри келади. Умуман Арғун (Аргин вариантни билан бирга) номли қишлоқлар Мовароуннаҳр ва унинг ташқарисидаги худудларда жуда кўп учрайди. Масалан, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчик, Юқори Чирчик, Кибрай туманларида Арғин деб аталувчи бир қатор қишлоқлар маълум. Бу қишлоқларнинг аҳолиси баъзи ҳолларда қозоқ этносига мансублигини ижтимоий психологияк жиҳатдан сақлаган. Баъзи ҳолатларда эса аргинликлар ўзбеклашиб кетган. Қолаверса, Арғин уруғи 92 ўзбек уруғларидан бири ҳам бўлган. Бу ҳол аргинларнинг яшаш шароити такозоси билан асимиляциялашуви давомий эканлигини кўрсатади.

Бухоро амирлиги худудларида Қарлуқ номини сақлаган маъмурий бирликлар ҳам бўлган. Масалан, Келиф (хозирги Туркманистон) вилоятидаги Қарлуқ қишлоғи бунинг мисолидир. Бу топоним этник жиҳатдан қадимий туркий қатламга хос бўлиб, Қарлуқ, Чигил Яғмо уюшмасининг миграцион ҳаракати нуктларидан биридир. Қарлуқлар ўзбек халқининг шаклланишида асосий компонент бўлган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Шониёзов К. Қарлуқлар ва Қарлуқ давлати. – Т.: Фан, 1999.

Қарлуқ (қарлик), Найман ариғи бўйлари Зиёддин вилоятида, Бухоронинг Шимолий-и Руд, Дехинав, Қарши, Майманак каби вилоят ва туманларда алоҳида қишлоқлар бўлиб жойлашган. Шимолий-и Руд вилоятида Қарлуқон, Қарлуқони Таусанак номли қишлоқлар ҳам бўлган. Қарлуқон атамасига «он» қўшимчаси тоҷик тили қўшни аҳоли манзилларининг муносабатини ифодалайди. Қарлуқони Таусанак эса туркӣ қавмларнинг Тўқсон гурухига тегишли ишоратнинг фонетик ўзгаргани бўлса керак.

Жалойир деб номланган қишлоқлар ҳам Бухоро амирлиги ижтимоий-этник таркибида ўзбек шайбоний уруғларининг ўрни ва жойлашувини кўрсатувчи маълумотдир. Амирликнинг 12 қишлоғи Жалойир деб аталган. Уларнинг жойлашган ерлари Қоракўл тумани, Хатирчи, Китоб, Кармана, Бойсун, Шимолий-и Руд, Зиёддин ва бошқалар бўлиб, ўзбек уруғларидан жалойирларнинг этник гуруҳ сифатида тарқалиши кенг диаспорасини кўрсатади.

Этник атамали қишлоқлардан Жигил ва Йағмоҳ (Балжувон вилоятида) қишлоқлари юқорида келтирилган қарлуқ этник гуруҳи билан боғлиқ қадимий қатламга хос бўлиб, ўзбек этник этногенезининг асосидаги тоифаларга киради. Жигил қишлоғи Қорамон арифининг Хатирчи вилоятига тегишли ерида жойлашган. Демак, бу қишлоқ аҳолиси этник жиҳатдан VI–X1 асрлар орасида юзага келган этник тарихий жараённи акс эттиради.

Яғмо (яғмоҳ) қишлоғи Балжувон вилоятида жойлашган. Яғмолар, қарлуқ, чигил, уйғур (VI аср) уюшмасининг бир тармоғи бўлган. Бу гурухнинг Ўрта Осиёда Кўлоб–Бадахшон–Помир минтақасигача, хусусан тоҷикзабон аҳоли орасигача кириб бориши бежиз тасодиф эмас. Гап шундаки, Бадахшон ва унинг атрофидағи ерлар қадимдан тоҳри қабилаларининг макони бўлган. Илк ўрта асрларда Тоҳаристон алоҳида ҳокимлик сифатида амал қилган ва уни туркӣ сулолалар ябгулар бошқарган. Шунга кўра яғмо уруғларининг бу минтақага келиб қолиши этник қардош мұхитнинг мавжудлиги туфайли рўй берган.

Бухоро амирлигига ўзга эллардан кўчирма қилинган, ўз ихтиёри билан миграция қилинган турли этник гурухлар ҳам яшаган ва уларнинг этник номи ёки аввалги ватани номи билан аталган жойлар шу ҳодисалардан гувоҳлик беради. Урганжи

номли қишлоқлар туркуми Зиёддин, Хутфар, Қоракүл, Самжон, Кармина, Хайробод, Харқонруд каби туман ва вилоятларда ўнга яқин манзиллардир.

Коми Або Муслим туманида эса Ўрганжийони манғитон номли қишлоқ бор. Бу ўринда Манғит этник туркий гуруҳнинг Урганждан қавми уруғ-аймоғи билан кўчиб келган тоифасини кўрсатади. Ҳолбуки манғит уруғи Хоразм ва Қорақалпоқ ерларида кўп тарқалган. Бу ўринда Ўрганжийи манғитон атамаси тожик тилли аҳоли томонидан берилгани кўриниб турибди.

Бухоро амирлигида Киройит этник туркий гуруҳ ҳам алоҳида (компонент) ҳолда яшаган. Бу гуруҳ Қасби (Қарши) Қаршининг Паргуза амлоклигига, Ҳузор вилоятининг Гармистон амлоклигига Киройити боло ва Киройити поён қишлоқлари, Ҳузор вилоятининг Гармистон амлоклигига бўлган. Киройитлар бугунги кунда ўз ички ҳәётидагина ўзларининг Киройит эканини эслашади. Кенг ижтимоий маънода эса улар ўзбек миллати таркибиага сингиб бормоқда.

Бухоро амирлигида этник қирғизлар қишлоқлари ҳам кўп бўлиб, улар Яккабоғ вилоятида Дийул амлоклиги, Чирокчи вилоятида Қайирма амлоклиги, Китоб вилоятида Қоронғу майдон амлоклиги каби ҳудудларида жойлашган. Булардан ташқари, Поёни наҳр, Ҳатирчи вилоятида, Султонобод амлоклиги Зиёддин вилоятида, Туркистон мавзеси Чўли амлоклиги, Кармина вилоятида, Хутфар, Ҳожа Саъд сари мавзеси, Харқонруд туманида қирғиз қишлоқлари мавжуд бўлган.

Қирғизон тожикча «-он» «-лар» кўплик кўшимиаси билан Душанбе амлоклиги Ҳисор вилоятида Коми Або Муслим туманида қишлоқлар бўлган Қирғиз диаспораси (тарқалиши) нинг географияси бутун Ўрта Осиё бўйлаб кузатилади. Айниқса Қирғиз этник гуруҳлари тоғ ва тоғолди ҳудудларида кўпроқ жойлашган.

Қипчоқ номли қишлоқлар Қарши, Ҳисор, Регар, Комот тумани, Харқон-Руд тумани, Самжон, Хайробод, Шимруд, Кўлоб туманлари бўйлаб кенг тарқалган. Қипчоқлар туркий халқларнинг қадимги катта тармоғи вакиллари бўлган. Улар кўп асрлар давомида турли бошқа туркий элатлар, тожик тилли аҳоли билан ёнма-ён яшаб келаётганига қарамай, бугунги кунга қадар ўз-

ларининг этник атамаси билан боғлиқ тасаввурга эгадирлар. Аммо баъзи жойларда қипчоқлар ўзбек миллатига мансублик туйгусига ҳам эга бўлдилар. Қипчоқи пойон, қипчоқи теппа каби қишлоқлар эса жойлашган ўрнига нисбатан аталган, холос.

Кирқ уругининг диаспораси ҳам кенг тарқалган. Уларнинг қирқ уйли номли қишлоғи қирқ уругининг асл тарихий маъносини очиб беради. Бу қишлоқ Карки вилоятининг Хўжа Жонбоз беклигига қарашли бўлган. Худди шу ном билан (Қирқ уйли) Харқон амлоклигининг Даشتни баҳори кори мавзесида ҳам қишлоқ бор эди.

Кирқҳо – тожиклар билан ёнма-ён яшаган қирқ уругининг қишлоғи бўлиб, Самжон туманида жойлашган.

Кўнгирот катта қабила уюшмаси бўлган. Бу қабила ҳозирда қозоқ-қорақалпоқ-ўзбек халқлари таркибида мавжуд. Кўнгиротлар қишлоқларини турлича аташган. Лекин бевосита Кўнгирот этник номи билан аталган қишлоқлар ҳам бўлган. Масалан, Харқонруд туманида, Қора кўл туманида, Самжон туманида ва х.к.

Можар номи турк-олтой умумийлиги давридан бошлаб маълум этник номнинг қишлоқ номидаги кўринишидир. Мишар татарлари мадийар–венгерлар, турк–можарлар ўзбек можар уруғи умумий қадимий ўзакдан ажралган қисмлардир. Можар қишлоғи Саройи Поён мавзесининг Харқон амлоклигига қараган.

Манғит қишлоғи манғит уруғига қарашли бўлиб, туркий халқлар, жумладан ўзбеклар таркибида ҳам бор. Хузор вилоятининг Афғонбог амлоклигига (Хатирчи вилоятига) қарашли қишлоқ Манғит деб аталган. Манғитон (тожикча) Манғит теппа, Манғит гузар қишлоқлари ярти тепа, Уч уруғ амлоклиги Зиёддин вилоятида, Чахор жўй вилоятида бўлган.

Маркит қишлоғи ҳам этник гуруҳ номи билан (туркий уруғ) аталган. Муғулча, Муғултой, Муғул қишлоқ, Муғулони поён, Муғулони боло каби қишлоқлар кейинчалик ўзбек халқи таркибиға кирган муғуллар этник гуруҳининг қолдиқ атамасидир.

Ўзбекон, Ўзбекйон, Ўзбекони кафтбурун ва бошқа қишлоқлар ҳам турли маҳаллий шароитларда тожик диаспораси орасида яшаб келган шайбонийлар уруғларига бирлаштирувчи ном бўлса керак. Араб, арабон ва шу каби қишлоқларда тарихан этник араблар яшаб келган.

Бухоро амирлиги маъмурӣ бошқарув тизими қишлоқ, мавзе, туман, амлоклик вилоятларида кўплаб қишлоқлар ва бошқа аҳоли пунктлари социал, (ижтимоий) диний ва бошқа тушунчаларни ифода этади. Масалан, Хўжа компонентли атамалар Хўжа – Али-шоҳ, Хожа анбийо, Хожа Аққа, Хўжа Ориф, Хожа бузург, Хожа Боййўл, Хожагон, Хожа Ғирай, Хожа гўзал, Хожа Рушном, Хожа Соғ, Хожа Сиддики давлатбий, Хожа Фаранг, Хожа Чилан ва бошқалар шулар жумласидандир. Умуман, Бухоро амирлигига XIX аср охири XX аср бошларида маҳаллий аҳолининг хожаларга нисбатан хурмати баланд бўлганлиги сабабли «хожа» компонентли жой номлари 200 тага етган.

Кўп ҳолларда эса Хожа сўзи пир, валий, тасаввуфона шахсларга нисбат берилган, улар шарафига жой номлари аталган.

Шайх компонентли жой номларида ҳам эъзоз-хурмат, социал даражаси нуфузли қатламга нисбатан хурмат маъноси кузатилади: Шайхлар, Шайхҳо, Шайхак, Шайх Али, Шайхи ҳазрати Остона, Шайхи Дўрмон, Шайх Вайсий, Шайх Билол, Шайх Човдар ва бошқалар.

Мулло компонентли қишлоқ номлари ҳам социал зиёли қатлам, азиз қилинган одамлар номидан келиб чиқсан. Мулло Ҳамдам, Мулло Ҳолий, Муллоҳо, Муллон, Муллони дигар, Мулло Кенж, Мулло Тош ва бошқалар.

Диний, маънавий ўтмишига алоқадор аҳоли пунктларининг номлари ҳам амирликда кўп бўлган. Масалан, зардўштийликка хос бўлган Муғ об (Муғ, зардўштийлик даврига оид) Муғон қишлоғи Дехаи Мийона амлоклиги, Қарши вилоятида бўлган. Муғонак мавзеси, Нахри Султонобод амлоклиги Пирмаст туманида жойлашган. Намозгоҳ қишлоқ номи ҳам зардўштийлик даврларида ибодатхона бўлган жойга нисбат берилиши мумкин. Китобнинг Афтобрўя амлоклигига, Болжуан вилоятида, Варзоб амлоклигига, Хайробод туманида шундай қишлоқлар бўлган. Пағдин қишлоқ, арабхона мавзеси, Касаба амлоклиги, Карминада. Пағдин сўғдча Пағ «худо» демакдир. Зардўштий тушунчаси.

Ижтимоий табақалар, ижтимоий ҳолатни ифодаловчи қишлоқ атамаларига: Норқулбой, Норбек, Нор тойлок, Раҳмонкул, Раҳим Сўфи, Рўзи Мурод, Салоҳиддин ва бошқа шу каби қишлоқларни киритиш мумкин.

Маъмурий бирликлар номлари орасида жойнинг рельеф шароити, бирор табиат обьекти каби компонентлари ҳам кўп бўлган: чашма, булоқ, тепа, гар, ғар, тоғ, ком (арик, анхор), ариқ, руд (дарё, анхор) ва бошқалар.

Турли касб кор номлари қишлоқларга берилган ҳоллар хўжалик, ҳунармандчилик каби ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаларига алоқадор аҳоли қатлами яшаган жойларга нисбатан ишлатилган. Фулодчи, Нонвойи, Хатирчи ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амиригининг маъмурий тизимиға оид аҳоли манзилларининг тарихий талқинига таснифий ёндошиб, ушбу масаланинг айрим қирралари кўрсатилди.

## **II БОБ. Бухоро амирлиги топонимларининг тарихий таҳдилига доир**

### **1. Аҳоли манзиллари номларининг шаклланиш тамойиллари ва уларнинг тарихий таркиби (ижтимоий, тарихий таҳдил)**

Бухоро амирлиги маъмурий-бошқарув тизимиning XIX аср охири ва XX аср бошларидағи ҳолатини Бухоро Қушбеги архиви таркибига кирган аҳоли манзиллари рўйхати асосида кўриб чиқиши амирлик иқтисодий-ижтимоий ҳәётини, демографик ҳолатини, этнологик манзарасини ҳамда маъмурий бошқарув поғоналарини ўрганиши учун бениҳоя муҳим маңба бўлиб хизмат қилади.

Аҳоли манзилларининг тарихий номланиш тамойиллари турлича бўлиб, улар орасида етакчи хусусият – жой номлари ясалишида 2 та асосий этник компонент иштирок этган. 1) тожикзабон аҳоли нуқтаи назаридан берилган номлар; 2) туркӣский забон аҳоли жой номлари.

Ушбу 2 тармок жой номларининг географик ўрни бутун амирлик худудларининг барча қисмида аралаш жойлашгани муҳим хулоса учун асос беради. Яъни, амирликнинг Қизилқум чўллари билан чегараланган Фарбий қисмидан тортиб шарқий амирлик худудларигача, бошқача қилиб айтганда бугунги Тоҷикистоннинг катта қисмида тарихан ўзбек ва тожик этник мансуб халқлар ёнма-ён ва бирга яшаб келган. Шу нуқтаи назардан тарихий топонимларга назар солсак, ўзига хос манзарани кузатиш мумкин. Масалан, таркибида об «сув» сўзи бўлган жуда кўп топонимлар ўзбек ва тожик тилли аҳоли яшайдиган жойларда деярли бир хилда учрайди. Шу билан бир қаторда туркӣ ариқ топоформанти билан тузилган жой номлари ҳам ҳар икки этник мансуб аҳоли манзилларида аралаш ҳолда кузатилади.

Обигарм – Қоратегин вилоятида, Обидушанба – Ҳисор вилоятида, Обинанда – Китоб вилоятида, Обичакка иболо – Қоратегин вилоятида, Обичакка инойонлабиоб – Қоратегинда, Обиаччиқ (туркча) – Варзоб амлоклигига, Обигузар – Карманада, Обидара – Кўлоб вилоятида ва ҳ.к. Шу каби Обидара қисми мавжуд бўлган ўнлаб қишлоқ номлари мавжудки, уларнинг 9-қисми манзил-

нинг ўрнашган жойига нисбатан бодло «теппа», пойон «этак», деҳана «тор дарадан чиқиш жойи» каби изоҳланиши мумкин. Баъзан обидара қисмига гайббой, сангимурғон, чўнчак каби 2-қисмлари боғланган. Гайббой қисмига келсак (боймиш амлоклигид), бу ижтиомий маъно берувчи сўз бўлиб, эҳтимол, ўша манзилда яшаб ўтган бадавлат кишига нисбатан берилгандир. Чунчак қисми эса туркий тил асосида изоҳланади ва сўз ўзаги қадимги туркий тил ва хозирги ўғиз лажжали туркий тилларда катта (улкан) демақдир. Сангимурғон қўшимчаси эса катта қоятош мавжудлигига ва у қоятош кавакларида қушлар ин қўйиб яшашига ишорат деб қаралиши мумкин.

Об ўзаги билан боғлиқ баъзи атамаларда 2-қисми шу сув оқими бўйлаб яшаган этник ахоли тоифаларини қўрсатади. Масалан Обиаффон, Обилўлқак, Обирўшон ва бошқалар.

Ахоли манзиллари номлари орасида абдал ёки абдол шаклида учрайдиган топонимлар диккатга сазовор. Улар Қарши, Балжуан, Обигарон каби вилоят амлоклиларга қарашли жойлардир. Абдал атамасининг тарихий асослари хали хануз тушунтириб берилган эмас. Гап шундаки, милодий V асрда кучли давлат уюшмасини тузган Эфталитларнинг этник мансублиги масаласи ҳалигача аниқ изоҳ топмаган.

Холбуки, абдол атамаси туркий этник атама бўлиб, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудлари бўйлаб жой номларида тез-тез учраб туради. Демак, абдол атамаси туркий абдол этник уюшмасининг тарихий миграцияси ва ўрнашган жойларини аниқ қўрсатиши мумкин. Ушбу рўйхат давомида учрайдиган Абдолқаюм, Абдолхолиқ, Абдолшоҳид, Абдололим, Абдолваҳоб каби жой номларининг 1-қисми, кўринишдан абдол бўлгани билан юқоридаги каби этник маъно касб этмайди. Бу номлар арабча исмлар олдидағи абд – «қўул» маъносидаги префиксдан ҳамда «ал» – арабча артикль бирикмасидан иборат. Бу гурух номлари тарихан киши исмлари билан боғлиқ бўлиб, уларни аниқ изоҳлаш учун номланиш тарихини жойларда алоҳида ўрганилиши лозим.

Жой номларининг етакчи маъно ифодаловчи 1-қисмидаги форманти иштирок этган ҳоллар мувжуд. Бу атамаларнинг 2-қисми бекарордир. Масалан, боло, пойон каби сўзлардан иборат. Ушбу тузилмалардан кўриниб турибдики, атамаларнинг ша-

клланишида туркий ва тожик сўз бирликлари баравар қўлланган. Оғиз элементи эса яна бир бора тоглик рељеф шароитида икки тоғ орасидан чиқиб келувчи сой суви бўйидаги манзилни кўрсатади. Атаманинг 2-қисмидаги боло, пойон сўзлари бир сой оқимининг тоғ ортидаги ёки бир манзилдан кейинги юқори ва қуий жойларда ўрнашган манзилларни кўрсатади.

Топонимлар таркибида адоқ, адоғлик каби сўзлар аҳоли манзили сув оқимининг охирида жойлашганини кўрсатади. Адоқ атамасининг давомида жойлашган 2-қисм одатда адоқ сўзига сифат бўлиб келган. Масалан, адоқи бўйни узун, адоқи барзанг, адоқи гиштий, адоқи қорабош, адоқи пойон, адоқи рўзи хожа, адоқи ҳамдакли. Кўриниб турибдики, бу атамалар ҳам ўзбек, тожик тил элементларини ўзида бирлаштирган. Бухоро амирлиги жой номлари орасида булоқ ва ҷашма топоформантлар билан боғлиқ атамалар жуда кўп учрайди. Уларнинг тарқалиш географияси ҳам кенг. Масалан, Оқбулоқ Ҳисор вилоятида, яна бир Оқбулоқ Бойсун вилоятида, Оқбулоқ Болжуан вилоятида, Оқбулоқ Яккабог вилоятида, Оқбулоқ боло, Оқбулоқи колон, Оқбулоқи пойон, Оқбулоқи суфийон каби қишлоқлар амирликнинг турли вилоятларида рўйхатга олинган. Оқ сўзи билан амирлик жой номлари рўйхатида 120 дан ортиқ жой номлари қайд этилган. Уларнинг аксарияти туркий ва эронийзабон аҳоли манзилларида баравар тарқалган. Бу топонимларни ташкил қилувчи элементлари ҳам турлича. Жумладан кўфруқ, мозор, мозорота, работ, сой, сарой, соч, товуқ, тош, тошкон, теппа, тийрак, тумшуқ, тунли, чакмон, ҷашма каби кўплаб формантлар туркий ўзбек тили асосида изоҳланади. Оқ ўзагидан ташкил топган жой номларининг бу қадар кўплиги Бухоро амирлиги аҳолисининг катта қисмини туркигўй ўзбек ҳалки ташкил қилганлигини кўрсатади. Худди шу каби жой номининг бош қисмида «оқ» маъносида келган тожикча «сафед» сўзи тожик тили асосида шаклланган бўлишига қарамай ўзбек-тожик аҳоли жой номлари сифатида баробар тарқалган.

Сафетоб – «оқ сув» (Ҳисор вилоятида), Сафетоб (Қоратегинда), Сафетоб (Болжуандада), Сафетоб (Кўлобда) ва ҳоказо. Яна сафед билан боғлиқ кўплаб жой номларини кўрсатиш мумкин. Сафетдара (Болжуандада), Сафетдара (Тутковул амлоклигига),

Сафетдара (Ҳисорда), Сафетдарак (Дарвозда), Сафетбандийов (Ҳисорда), Сафетчашма (Ҳисорда), Сафетхон (Қоратегинда).

Амирлик худудларида жойлашган аҳоли манзиллари номлари орасида олма (ўзбекча) ва себ (тожикча) асосга эга бўлган топонимларнинг тарқалиш худудлари ҳам тожик-ўзбек аҳоли аралашлигини кўрсатувчи муҳим хусусиятдир. Олмабулоқ (Болжуан), Олмабулоқ (Яккабоғ), Олмабулоқ (Хайробод тумани), Олмагози (Хайробод), Олмазор (Китоб), Олмалиғ (Қоратегин) каби жой номлари билан бир қаторда Себдара (Болжуан), Себак (Ҳисор), Себак (Қоратегин), Себдараи Осиёй (Кўлоб), Себдараи нор (Кўлоб), Себзор (Ҳисор), Себибоғкардаи боло (Қоратегин), Себидарга (Ҳисор), Себисурх (Кўлоб), Себисурх (Болжуан), Себишохи (Қоратегин), Себиширин (Ҳисор), Себи нок (Қоратегин) ва бошқа қишлоқлар кўпроқ шарқий Бухоро ҳудудига мансуб кўринади. Ўзбек-тожик аҳоли манзиллари номланишида юқоридаги оқ ва сафед параллеллиги каби қизил ва сурх, қора ва сиёҳ каби параллеллар ҳам жуда кўп кўлланган. Масалан, Карки вилоятида Қизил айоқ (Бойсун вилоятида), Қизил олма (Кўргонтепа вилоятида), Қизил ариқ (Хузор вилоятида), Қизил булоқ (Болжуанда), Қизил гузар (Каркида), Қизилча (Дехиновда), Қизил жар (Қоратегинда), Қизил қора (Бойсунда), Қизил кориз (Болжуан ва Чоржўйда), Қизил кия (Болжуанда, Ҳисорда), Қизил қисор (Қоратегинда), Қизил курум (Ҳисорда), Қизил лалми (Кармана, Хайробод вилояти ва туманларида), Қизил работ, Қизил сой, Қизил сойи боло, Қизил сойи пойон кабилар, Қизил том (Яккабоғ), Қизил туба (Ҳисор), Қизил тепа (Дехинов), Қизил тумшук (Нурота), Қизил тук (Китоб), Қизилча (Ҳисор), Қизилқудук (Хузор), Қизил кўргон (Зиёддин).

Рўйхатдан кўриниб турибдики, қизил сўзи асосида пайдо бўлган жой номлари ҳозирги Туркманистондан бошлаб Зарафшоннинг ўрта оқимиғача Қашқадарё, Сурхондарё воҳалари, Кўргонтепа, Ҳисордан тортиб, Бадахшон ва Помиргача бўлган ерларда туркий ва тожик аҳолининг аралаш яшаганини кўрсатиб турибди. Шу маълумотларга параллел равишда сурх «қизил» сўзи асосида ясалган жой номлари рўйхатига қаралса, уларнинг тарқалиш худудлари қизил атамалари тарқалган жойлар билан деярли мос келишини кузатиш мумкин. Сурх (Карки вилоятида) Хел-

лож беклигига қарашли қишлоқ. Бу ўринда Хеллож туркий этник атамлардан бири. Сурхе қишлоғи Дарвоз вилоятининг чехил дарё амлоклигига қарашли. Ҳисор вилоятида бир неча амлокликларга қарашли Сурх дара, Сурх чашма, Сурхон каби қишлоқлар бўлган. Сурх кух «қизил тоғ» (Қоратегинда), Сурхи чордангоҳ (Кўлобда), Сурхсел (Болжуанд), Сурх хуп (Дарвозда) ва х.к. Сўрх сўзи билан ясалган ушбу атамаларнинг асосий кўпчилиги туркий қизил атамалари билан параллел ҳолда шаркий Бухоро худудларида кенг тарқалганилиги диққатга сазовор. Бу ҳол ҳозирги Тожикистон худудларида турли этнослар, хусусан, ўзбек ва тожик аҳолининг узоқ вақтлардан бўён ёнма-ён яшаб келганини кўрсатади.

Юқорида келтирилган номланиш икки тиллилиги тош ва «санг» параллелларида ҳам яққол намоён бўлади. Бу топоним асосларидан бири бўлмиш тош асосан санг параллели сингари топонимларнинг бош қисмида жойлашади. Тошохур, Тошбулоқ, Тошгузар, Тошқудук, Тош кунда, Тошқўприк, Тошқўргон, Тошлок, Тошли, Тошмасжид, Тош работ, Тоштеппа ва бошқ. Тош ўзаги билан ясалган жой номларининг топоформантлари орасида охур сўзи беш марта, булок сўзи 16 марта, гузар сўзи 5 марта, кўргон, ҳисор каби маънодош сўзлар бир неча марта, масжид формантни 5 марта, теппа, работ формантлари бир неча мартадан учрайди.

Тошлоқ, тошли каби атамалар жойнинг хусусиятини кўрсатса, тошқўприк, тошқўфрук кабиларда бу манзилларда яшаган аҳолининг тожик ёки ўзбек эканлиги аниқ кўриниб турибди: кўприк ўзбекча, кўфрук тожикча. Санг тош асосига эга бўлган топонимлар Болжуан, Шугнон, Қоратегин, Кўлоб, Ҳисор, Дарвоз, Хузор каби вилоятларда кўп тарқалган. Булар орасида биргина санг (тош) сўзидан иборат қишлоқ номи 208-козилик архивида кайд этилган. Бу сўзнинг маъноси эҳтимол йўл ма-софасининг тош номли ўлчовидан пайдо бўлгандир, чунки тош, санг сўзлари тарихда узунлик йўл ўлчови хисобланиб, б чакиримга teng бўлган. Қадимги шакли фра – санг, ўрта асрларда фарсах ёки фарсанг шаклини олган. Санг ўзаги билан тузилган топонимларнинг кўпчилигига сифат маъносини ифодаловчи шакллантирувчи қисм – формантларга эга. Санг об (Шугнон), Санг обод (Самжон), Санг обе (Қоратегин), Санг обейи пойон (Қоратегин), Сангак чашма (Кўлоб), Сангони хил

(Кўлоб), Санг гирак (Қоратегин), Сангиридек (Ҳисор), Санг дара (Болжуан), Санг дарайи ок суги (Кўлоб), Санг дарайи хожа колон (Кўлоб), Санг девор (Қоратегин), Санг деворак (Болжуан), Санги жуммон (Хатирчи), Санги кайрок (Бойсун), Санги кулула (Болжуан), Санги мером (Болжуан), Санги муғул (Ҳисор), Санги сурх (Қоратегин), Санги сабза (Куктош, Шимолийи руд), Санг пор (Ҳисор), Санг руд (Ҳисор, Болжуан), Санг угур (Болжуан), Санг чашма (Кўлоб), Санги шикон (Хузор), Синган тош.

Топонимларнинг шакланишида фаол қатнашган тожикча сар «бош» топоним ўзаги бевосита ўзбекча параллелларга эга, лекин тожикча «сар» ўзаги бирор туркумнинг бошланнишини ифодаласа, ўзбекча «бош» ўзаги билан бошланувчи топонимларнинг маъноси турли атамалар орасида бошлангич, етакчи ўринга ишора этади, холос. Бошбулоқ атамаси бу масалада ягона мисолдир. Бошбулоқ (Ҳисор), Бошбулоқ (Болжуан вилояти), Бошбулоқи калон (Ҳисор вилояти), Бошбулоқи хурд (Ҳисор вилояти). Бу ўринда калон, хурд қисмлари Катта бошбулоқ, Кичик бошбулоқ демакдир.

Сар ўзаги билан боғлиқ жой номлари орасида Сари об «Сув боши» (Бойсун), Сари оби пар (Болжуан), Сари арча (Болжуан), Сари осиё (Бойсун, Хатирчи, Пирмаст тумани), Сари осийоб (Боймиш амирлиги Болжуан вилояти).

Худди шу номда Тутқовул амлоклигига ҳам қишлоқлар бўлган. Сари бозор (Кармана), Сарибозор (Бухоро – Қоракўл тумани) Сарибозор қала (Зиёддин), Сари бозори султонобод (Зиёддин), Сари бозори тошкўприк (Зиёддин вилоятининг Учкудуқ амлоклиги), Сариғор (Кўлоб).

Келтирилган мисоллар тарқалиш географияси бўйича Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Шеробод, Сурхон, Коғирниғон ва бошқа воҳаларни қамраб олган. Умуман, Бухоро амирлиги маъмурий тизимиға қарашли «сар» ўзаги билан бошланган жой номлари сон жиҳатидан анчагинадир. Ҳисобларга қараганда «сар» ўзаги 150 дан ортиқ аҳоли манзилларига ном қўйишда ишлатилган. Шу ўринда «Населенные пункты Бухарского эмирата» китобида келтирилган «сар» ўзаги билан бошланган топонимлар рўйхатида орасига баъзи ўринлар ўзак эътибори билан бошқа сўзлардан тузилган топонимлар ҳам араласиб қолган. Масалан,

114-бетда Сарি бош, Сариг батош, Сариг вой, Сарифи боло, Сарифи пойон, Сарийон, Саримсоқли, Сарканд, Сорли, Саррофон, Саррофҳо каби атамалар рўйхатда «сар» ўзагидан кейинга жойлаштирилиши керак. Келтирилган мисоллар орасида саркор ижтимоий атама бўлиб, ишбоши «бошлиқ» маъносига эга. Сорли атамаси эса -ли ўзбекча сифат ясовчи кўшимча билан «сор» сўзидан ясалган. Сор сўзи ов қуши «лючин» демакдир. Бундан хулоса қилиш мумкин-ки, Сорли қишлоғининг ахолиси қачонлардир қуш ёрдамида ов билан шуғулланган.

Амирлик манзилгоҳлари орасида ўзбекча қора ўзаги билан боғлиқ топонимлар тожикча сиёҳ – «қора» ўзаги билан параллел равишда қўлланиш ҳолатлари жуда кўп учрайди. Лекин Бухоро вилоятларининг барча қисмида ўзбекча қора ўзагидан ясалган жой номларини кўп учратиш мумкин. Жумладан, 40 га яқин сиёҳ ўзагидан ясалган топонимлар тожикча асосда вужудга келган бўлса, 200 га яқин ўзбекча қора ўзаги билан бошланган топонимлар мавжуд. Тожикча сиёҳ ўзакли жой номлари Сиёҳоб, Сиёҳгул, Сиёҳгулак, Сиёҳжангол, Сиёҳжўб, Сиёҳикалон, Сиёҳхўрд, Сиёҳком, Сиёҳкумрўд, Сиёҳилой, Сиёҳилойак, Сиёҳ муз, Сиёҳи рама, Сиёҳ тутан, Сиёҳ тўт, Сиёҳфарак, Сиёҳ хор кабилардан иборат. Буларнинг ўзбекча маънолари корасув, қорагул, қора ўрмон, лойли сув, қора шаҳоб ариқ, қора тут, қора тупрок, қорабулоқ каби маъноларни англатади. Уларнинг тарқалиш худудлари Қоратегин, Ҳисор, Кўлоб, Чахоржўй, Болжуан каби вилоятларга мос келади. Бунга киёс қилган ҳолда қора ўзагидан ясалган топонимларнинг тарқалиш географияси анча кенг. Шу жумладан қора ўзаги сиёҳ топонимик ўзак тарқалган худудларда ҳам кўплаб учрайди. Қора топонимик ўзак билан қўшилиб жой номи ясовчи сўзлар асосан туркий сўзлардир. Улар бодом, бой, боғ, балчик, бойурдоқ, бахши, бахшила, бош бўйи, буйрак, бўлак, булоқ, бўрдоқ, йигоч, йағоч, йасавул, йантоқ, камар, қамиш, қосмок, киста, киса, қишлоқ, қудук, куз, кул, қум, курсак, қўтон, қовчи, қўш, масжид кабилардан иборат. Юқоридаги аталган тожикча сифатлардан теппа (қора тепа), миришлар, тоқ, санг, кўпгина кабиларни ҳам кўрсатиш мумкин.

Қора ўзаги билан топонимлар ўртасида туркий-этник номларни ифода этувчи бир қатор формантларни учратиш мумкин.

Қора қүйунли (Туркман уруғи, Карки вилоятида), қора қүнғирот (Қарши вилоятида), Қора ковчи (Қарши), Қора муғул, Қора найман (Зиёддин) ва бошқалар мазкур атамаларда акс этник номлар билан боғлиқ уруғ қабилаларнинг катта бўлагини билдиради. Зеро, қадимги туркий тил нуқтаи назаридан қаро сўзи «катта» демакдир. Этник атамалар орасида қорамон атамаси дикқатга сазовор. Бу атама уғуз ўюшмасининг X асрда Мовароуннахрга кўчиди келган Оқмон ва Қорамон қабила ўюшмаларидан бирининг номини кўрсатади.

Бухоро амирлиги аҳоли манзиллари номлари орасида этник мансубликни ифодаловчи кўплаб атамалар учрайди. Ушбу жой номларининг географияси жуда кенг. Уларнинг баъзилари туркий уругларни билдирса-да тоҷикча кўплик кўшимчасини олган ҳолда учрайди. Масалан, қирқҳо, кирғизон (тоҷикча -ҳо ва -он кўплик кўшимчалари). Уруғ номларидан ковчин (Яккабоғ, Қарши, Шимолий-и Руд, Бухоро). Қиёт қишлоғи (туркий Қиёт уруғи, Самжон туманида) қирқули, қирқон, кирғиз элат номлари. Қирғиз атамаси билан бошланган қишлоқ номларининг тарқалиш жойлари Яккабоғ, Чироқчи, Китоб, Хатирчи, Зиёддин, Кармана, Хўтфар, Ҳисор, Коми Або Муслим, Қоратегин, Харқон руд, Хузор туман ва вилоятларига тўғри келади. Бу демак қирғиз элатининг асосий тўплари Қашқадарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида яшаган.

Кирқ, юз, сарой каби туркий этник номлар билан боғлиқ қишлоқлар асосан Зиёддин вилоятининг Султонобод амлоказига тўғри келган.

Мўғул этник атамаси Харқон-Рўд туманида, Китоб, Ҳисор вилоятларида, Хутфар, Шофурком, Шимолий-и Рўд, Зиёддин, Болжуван каби вилоятларда тарқалган. Бу қишлоқларда яшовчи аҳоли муғул истиносидан кейин ўтроқлашиб, ўрнашган бўлиши мумкин. Улар асосан ўзбеклашиб, ҳозирда этник номнигина сақлаб қолишган, холос. Худди шу каби тоҷик этник гурухлар орасида яшовчи ўзбек уруғлари тоҷиклар томонидан уларнинг этник умумий номи билан аталган қишлоқ номлари ҳам учрайди. Ўзбекон номли катор қишлоқлар ва мавзелар ҳамда қўргончалар номлари мавжуд. Ўзбекони корий, ўзбекони кафшбурун, ўзбекони теппа, ўзбеконча, ўзбаки, ўзбек сарроғ, ўзбек тошработ каби жой номлари Карки, Ҳисор, Харқон Руд, Шимолий-и

Руд, Жанубий-и Руд, Хутфар каби туман ва вилоятларда қайд қилинган.

Баъзи қишлоқ номлари яшаб турган ахолисининг келиб чиққан жойи нуқтаи назаридан аталган ҳоллар ҳам кўп учрайди. Масалан, турли тарихий сабабларга кўра кўчирилиб жойлаштирилган аҳоли тоифаси сифатида Хоразм билан боғлик Ўрганжи номли қишлоқ ва мавзелар Хатирчи, Нурота, Зиёддин, Янгиқўргон, Кармана, Шимолий-и Рўд вилоятларида ҳамда Қоракўл, Харқон Руд, Коми Або Муслим туманларида истиқомат қилган хоразмлик аҳоли қишлоқларига Урганжи номи берилган жой номларидир. Этник номлардан яна бир тоифаси – қишлоқлар номида Халаж, Халажийон тарзида акс этган халажлар 92 та ўзбек уругининг биридир. Уларнинг жойлашган ерлари Караки, Самжон, Пирмаст, Болжуан, Қоратегин, Шимолий-и Руд каби туман ва вилоятларга қарашлидир. Муғулларнинг туркийлашган Ҳазора уруфи Оби душанбе амлоклигининг Ҳисор вилоятига қарашли ерларида қишлоқ тузиб ўтирганлар. Шу билан бир каторда Кармана, Кўлоб, Чоржўй вилоятларида ҳам Ҳазорайи пойту, Ҳазорак каби қишлоқлар мавжуд.

Умуман, Бухоро амирлигининг қишлоқ ва мавзеларидан бир қанчаси этник мансублик асосида ном олиб, амирлик Күшбеги архивида сақланган қўринишида маҳсус тадқиқотни талаф қиласди.

Бухоро амирлиги аҳоли манзилларининг номлари орасида ижтимоий мансаб, лавозим, табақалар нуқтаи назаридан берилган ижтимоий атамалар ҳам анчагинани ташкил этади. Улар орасида халқнинг эътиқодини ифодаловчи ёки хурмат-эътиборли зотлар шарафига кўйилган жой номлари мавжуд. Масалан, Ҳожиқоғағон (Ҳисор вилояти), Ҳожи кафар (Денов вилояти), Ҳожи кунда (Хайробод), Ҳожисагар (Хайробод), Ҳожи хизр (Карши), Ҳазрати имом (Кулоб), Ҳазрати башир (Китоб) ва бошқалар. Улар орасида тарихан кимга аталгани номаълум, лекин халқ орасида шу номларга ихлос билан қараш анъанаси сақланниб қолган номлар ҳам учрайди. Ҳазрати Сайд ато (Шофурком), Ҳазрати лангар (Китоб), Ҳазрати лангар (Яккабог), Ҳазрати имом (Кулоб) шулар жумласидандир.

Шу билан бирга шундай қишлоқлар ҳам борки, улар қадимда ёки сўнгги ўрта асрларда амирлик томонидан маҳсус ерлар

сифатида имтиёзли шахсларга ажратиб берилганилиги мана шу қишлоқ номларида акс этган: Хоса (Шуғнон), Хоса (Шофурком), Ҳасан бек (Шимолий-и Руд), Ҳасан боло, Ҳасан пойон (Самжон), Ҳасан Эшокон (Самжон), Ҳасан қаро Комол (Самжон), Ҳасан Курбонназар (Самжон), Ҳасан Мир Хазар (Самжон), Ҳасан Работ (Самжон), Хосакор (Шимолий-и руд), Хоса кент (Тошработ), Хоса кийон (Болжуан), Хоса қўргон (Кармана), Хоса Мохи (Болжуан) ва бошқалар. Буларнинг хаммаси хоса имтиёзли ажратиб берилган ер демакдир.

Юқорида келтирилган ихлос, эътиқод муносабатлари асосида вужудга келган номларнинг «хожа» ўзаги билан ясалган гурухи амирлиқда 150 га яқинини ташкил этади. Улар орасида «хожа» сўзи алоҳида ишлатилган ҳолатлар ҳам мавжуд. Булар Зиёддин, Кармана, Хутфар каби маъмурий ҳудудларга тегишли қишлоқлардир. Колган барча «хожа» компонентли жой номлари сифат формантларига эга. Масалан: Ҳожа абдалок, Ҳожа алишоҳ, Ҳожа Абдураҳмон, Ҳожа Амбийон боло, Ҳожа аққо, Ҳожа Ориф, Ҳожа Арна жарқудук, Ҳожа Бойқул, Ҳожа Барлос, Ҳожа Болжуан, Ҳожа бед, Ҳожа булоқ, Ҳожа Булбулоқ, Ҳожа Бўстони бозоржой, Ҳожа вали шоҳ, Ҳожа ғалтон, Ҳожа гулзор, Ҳожаи даҳийак, Ҳожа душанбе, Ҳожа қишлоқ, Ҳожа қўргон, Ҳожа соат, Ҳожа ҳайрон, Ҳожа чобук, Ҳожа чаҳордаҳ ва бошқалар.

Ҳожа ўзагидан сифат қўшиб ясалган жой номларининг кўпчилиги ўша манзиллардаги аҳоли ихлос қилган мозорлар билан ҳам алоқадор бўлган. Кўп ҳолларда мазкур номлар билан боғлик манзилларда кимлиги унтилган бўлса-да, ҳалқ наздида азизавлиё зотлар дафн этилган жойлар хисобланган. Баъзан эса шу жой номларида мулк қилиб ажратиб берилган ер ўлчамлари ҳам акс этган. Масалан: Ҳожаи даҳийак, ҳожаи арпа жарқудук каби атамалардан бири «ер ўлчамининг юз ўндан бири», иккинчиси эса «Жарқудук деган ерда шудгор қилинадиган ер» маъноларини билдиради. Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлиги аҳоли турар жой номлари шаклланишида ижтимоий, иқтисодий, этник омиллар ҳамда манзилларнинг жойлашган ўрни, улар билан боғлиқ чашма, гор ва шу сингари ажralиб турувчи табиий мавжуд омиллар алоҳида аҳамият касб этган. Амирлик ҳудудларида, унинг барча қисмлари бўйлаб туркий ва эронийзабон тожик эт-

ник катламлар узвий бирликда аралаш истиқомат қилганлиги яққол кўзга ташланади. Ушбу топонимларнинг тарихий ахамияти уларнинг Бухоро амирлиги сиёсий-маъмурӣ тизимини ўзида мужассам этганлигидадир.

Кушбеги архивида ушбу маъмурӣ тизим рўйхатининг 250 га яқин ҳужжатларида акс этган мажмуи XIX аср охири XX аср бошлари Бухоро амирлиги тарихини тадқиқ этиш учун бебаҳо қимматга эга бўлган манбадир.

## **2. Топонимлар амирликда ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёт ва этник муносабатлар тарихининг манбаи сифатида**

Биз юқорида Бухоро амирлиги тарихий аҳоли манзиллари номларининг шаклланишига хизмат қилган лексик ўзак асосларини ҳамда топонимни шакллантирувчи сифат кўшимчалари – топоформантларни таҳлил қилиб жой номларининг вужудга келиш тамойилларини кўриб чиқдик. Навбатдаги вазифа шундан иборатки, амирлик аҳоли манзиллари номлари орқали иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ва этник муносабатлар тарихига дахлдор масалаларни таҳлил этишга ҳаракат қиласиз.

Аввало, тарихий топонимлар, агар улар аҳоли турар жойлари номларидан иборат мажмуани ташкил этса, бу мажмуа албатта ҳалқнинг ҳаётига оид турли йўналишдаги қирраларини таҳлил қилиш учун манба бўлиб хизмат қиласи. Бухоро амирлиги Кушбеги архиви таркибида сақланган аҳоли манзиллари рўйхати алифбо тартибида жойлашган номлардан ташқари нашр иловасига чиқарилган, тасниф қилинган материаллардан иборатdir<sup>1</sup>.

Бу иловада амирлик ҳудудларида яшаган ўзбек аҳолига тегишли жой номлари рўйхатидан ташқари уларда яшаган ўзбек уругларининг номлари ҳам ёнма-ён келтирилган. Масалан, Денов беклигига ўзбек уруғларидан зардакўл, инон, болғали, лўйка, коранчи, кора тамғали каби жамоалари яшаган. Рўйхатларга кўра келтирилган уруғ номлари афтидан майда тармоқлар бўйича рўйхатлаштирилган. Масалан, алипли, жилон тамғали, эгарчи, қарға, эзма, қозойоқли, кесовли, патос, чорақбош, кўз

---

<sup>1</sup> Мухамеджанов А.Р. Населенные пункты Бухарского эмирата. – Т.: Университет, 2001. – С. 158-186.

тамғали, болаҳүр, ваҳтамғали қаби уруғлар жамоалар тарзида қайд этилган. Кўп ўринларда ушбу ўзбек уруғлари ўзаро қўшни уруғлар билан қоришиқ ҳолда яшаганлари маълумдир. Масалан, қозойоқлилар карамчилар билан, нагас қора тамғалилар билан ва қозойоқлилар қўнғиротлар билан, айрим ҳолларда ўзбеклар, туркманлар, тоҷиклар ўзаро аралаш ҳолда яшаганлар. Амирликнинг баъзи бекликларида аҳолисининг этник мансублиги араб бўлган қишлоқлар ҳам қайд этилган. Бойсун беклигига Жамчи рўйот қишлоғига араблар қўнғиротлар билан бирга қўшилиб яшаган. Шеробод беклигидаги Арабхона, Навشاҳар, Работан қишлоқларида Шеробод шаҳрининг Балхий ва Тароқли гузарларида араблар қайд этилган. Арабхона ва Новшаҳар араблари тил жиҳатдан тоҷиклашган, Работан қишлоғига, Балхий ва Тароқли гузарларида ўзбеклашган ҳолда яшашган.

Кўргонтепа беклигига Вахш дарёсининг чап қирғогига Ўзун қишлоғи этник жиҳатдан арабларнинг қишлоғи бўлиб, бу ерлардаги балхий гуруҳига мансуб араблар тил жиҳатдан тоҷиклашган эди. Панж дарёсининг ўнг қирғогига тоҷиклашган балхий араблари 4 та қишлоқда жойлашган бўлиб, улардан учтаси Аробноми билан аталган. Тўртингчиси эса Шиштўба (Олтинтепа) деб аталиб, аҳолиси тоҷиклашган.

Кобадиён беклигидаги Арабхона ва Жарқўрғон қишлоқлари Кофирниғон дарёсининг чап қирғогига жойлашиб, балхий араб гуруҳига мансуб аҳоли тил жиҳатдан тоҷиклашган.

Кофирниғон дарёсининг ўнг қирғогига тоҷикзабон араблари Айваж, Чўянчи қишлоқларида яшаб, тиллари ҳам тоҷиклашган. Чўянчи араблари туркий дўрмон уруғ жамоаси билан аралаш яшаган. Кўлоб беклигига Лағмон, Жанжалбоши қишлоқларида араблар, тоҷиклар, қундузийлар, хазора мўғул уруғлари аралаш яшаб, лағмонликлар тоҷик тилли, жанжалбошиликлар ўзбек тилли бўлишган.

Жилғий дарёси водийсида Навбулоқ араблари ўзбек тилли, Саричашма (Чалимабоши) қишлоғига тоҷиклар, қарлуқлар ва қотагонлар билан биргаликда ўзбеклашган араблар яшаган. Бадахшоннинг Пархор туманида араб ва қароқчи қишлоқларининг этник араб аҳолиси ўзбеклашган араблари яшаган.

Кўргонтепа беклигига қарашли Тераклитов яйловларида 9та қозоқ ёзлик манзиллари бўйича этник жиҳатдан қозоқ бўлган аҳоли ҳам яшаган. Булар рўйхатларда Оҳанбулоқ, Бешбулоқ, Кўшқорбулоқ, Қизилбулоқ, Найманбулоқ, Ўланбулоқ, Сарқамиш, Тошработ, Жалойир манзиллариdir. Вахш дарёси водийсида эса қозоқлар яшайдиган битта манзил Дамат номи билан қайд қилинган. Тожикларнинг Шоумарий деб аталган уруғ жамоаси Кўлоб ва Кўргонтепа бекликларида Жилға ва Қумсой қишлоқлари аҳолиси бўлмиш тожиклар ва қатағонлар (туркий) билан биргаликда истиқомат қилишган.

Бухоро амирлиги худудларида эроний номи билан яшаган аҳоли Денов ва Шеробод бекликларида ўзбек тилли Қарлук қабиласи, чигатойлар ва тожик тилли аҳоли билан қоришган холда ҳаёт кечирган. Улар учта қишлоққа ажралиб, Кичибахшивар, Қорлик, Сепа эронийлари деб аталган. Шеробод беклигига эронийлар Бозорқишлоқ қишлоғига афғонийлар, ўзбек тилли чигатойлар, нашхўрдлар ва хўжалар билан ёнма-ён яшашган. Кўлоб беклигининг 25 та қишлоғи «семиз» деб аталган ўзбек уруғлари яшаган манзиллар эди. Булар Бешкона, Богитетур, Бўзахона, Дешариқ, Даҳанак, Олтовул, Деҳанаки чопор, Калот, Мулламийоз, Навбулоқ, Пистамозор, Тўқасана, Хўжеи нур, Ассиқбулоқ, Хўжай шон, Чашмажўшон, Чуқурак, Чукур қишлоқ, Қора жангал, Жийда булоқ ва бошқаларdir.

Кўлоб беклигига ўзларини кесомир ўзбеклари деб атовчи ўзбек уруғ тоифаси 14 та қишлоқда қайд этилган. Булар Балхобий, Бештегирмон, Даракчи, Зийраки кулзамон, Шомирак, Томчи, Тўдаковуш, Туту, Чўқтемир, Шулулу, Хундақул, Чорген, Бойо қишлоқлариdir. Улардаги ўзбеклар қисман тожиклар, мўғуллар, қарлуклар билан ёнма-ён яшашган.

Шу ўринда ушбу рўйхатда ўзбеклар тушунчаси Шайбоний ўзбеклари маъносидаги қарлуклар, қатағонлар, турклар каби тоифалардан фарқ қилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай қараш тубжой қадимий туркий аҳолидан Шайбоний билан бирга кириб келган. Даҳти қипчоқ ўзбекларини фарқлаш анъанаси XX аср бошларида ҳам мавжуд эканлигин кўрсатади. Кўлоб беклигига 25 та қишлоқда ўзбеклашган мўғулларнинг яшаганлиги қайд этилган.

Бу мўғуллар шу қадар маҳаллийлашган эдики, уларнинг жамоа номлари мўғулий аломатларидан мутлақ бегона бўлиб кетган. Масалан: Тутбулоқ уруғи, Шўрча, Шўркўл, Марғоб, Жийда каби номлар маҳаллий шароитда юзага келгани шубҳасиз. Баъзи қишлоқларгина ўзларининг эски этонимларини сақлаб қолган. Булар Яхсув дарёсининг чап кирғоғидаги Мўғул қишлоғи ҳамда Нўғай қишлоғидир. Шунингдек Болжуан, Ҳисор, Кўргонтепа бекликларида ҳам Мўғул, Мўғули они бало, Мўғулони пойон, Мўғулон, Мўғул қишлоқлари ўзининг этник номларини сақлаган.

Мазкур нашр иловасидаги аҳоли этник мансублигига оид маълумотлар орасида афғонийлар, хазоралар, лархобийлар, қундузийлар, ўтабулоқийлар, сужжонийлар, чилоқийлар, обисорикалар, белужлар сингари аҳоли жамоалари қайд этилган бўлиб, уларнинг аксарияти кичик аҳоли тўпламлари сифатида бир неча бекликлар ўзбек ва тожик тилли жамоалар билан ёнма-ён худудларида яшаган.

Бухоро амирлиги аҳоли манзиллари орасида жуда қадимий, хусусан, зардуштийлик даврларига хос ибтидоий илохий тасаввурлар билан боғлиқ ҳолда номланганлари кўп учрайди. Улардан бир туркуми Ром ўзагидан ташкил топган номлардир. Ром зардуштийлик илоҳиёт тизимида осойишталик, тинчлик, олам-жахоннинг мутаносиблиги устидан назорат қилувчи маъбуднинг номи. Тўлиқ шакли Роман. Маъбуд Ром одамларга роҳат-фароғат баҳш этади. Ўтлоқларни, уларда ўтлаб юрган молу холни, қўй-қўзини асрайди. Эл юртга тинчлик хотиржамлик беради. Амирлик худудларида Харқонруд туманининг Сармижон мавзесида Ромий қишлоғи рўйхатга олинган.

Балжувон вилоятининг Йахсув (Йақсув) ариғи бўйлаб Ромида Дара мавзеси жойлашган. Атаманинг тарихий асоси Ромида «тинчлантирилган», «осойишта қилинган» маъноси билан боғлиқ. Яъни, Роман маъбути тинчлик, осойишталик багишлаган жой демакдир.

Ромитан атамасининг икки ўзаги бор: «Ром» ва «митан». «Митан» қисми уруғ номи билан боғланади. «Ром» эса юқорида келтирилган маъбуд номидандир.

Ромиш қишлоғи Бухоро вилоятининг Жондор туманида жойлашган қадимий манзилдир. Бу қишлоқда Ромиш маъбудига

багишлаб ўтказилган байрамлар ҳақида Наршахий ўзининг «Тарихи Бухоро» асарида ёзиб қолдирган. Худди шу каби, Абу Райхон Беруний ҳам Роман маъбути ҳақида маълумот бериб, Тишрин ойининг (Тиштрия – Сириус юлдузи шаънига аталган ойининг) 18 кунида Роман шаҳид бўлган кун хотирланади, деб ёзган<sup>1</sup>. Ҳозирги пайтда Ромиш қишлоғи мавжуд. Лекин қадимий қишлоқ харобаси тепалик бўлиб сақланган.

Талош топоними «Тепа» (тал) ва -ош қисмларидан таркиб топган. Тожикча Тал +ош («ошмоқ» туркий феъл ўзаги бир топонимда бирлашгани қизик ҳодисадир. Бундай топоним Тошкент шаҳри Себзор даҳасида «Хожа Талошган» маҳалла номида учраган)<sup>2</sup>.

«Тал» ўзаги билан ясалган топонимлар Бухоро амирлигининг кўплаб вилоятларида учрайди. Жумладан, Шимолий-и руд, Шеробод, Бешкент, Хузор, Балжуwon, Кармина, Карши, Чироқчи, Зиёддин ва бошқа вилоятларда бу ўзак билан бошлинувчи топонимлардан қирқдан ортиғи мавжуд. «Тал» ўзагини тожикзабон аҳоли билан боғлашга уринилади. Лекин, бу атама соғ ўзбек тилли аҳоли яшайдиган манзилларда ҳам тез-тез учрайди. Демак «тал» формант итник ва тил мансублигидан қатъи назар амал қилган.

Тарабурра (123-бет) топоними таркибий жиҳатдан икки қисмдан иборат. Биринчи қисми «тар» – «тор», «танқис», иккинчи қисми эса «бурра» ўзаги бўлиб, «кесилган», «қирқилган» маъноларига эга. Демак бу топоним муайян топографик вазиятда маълум жойнинг кескин узилиш, бурилиш нуқтасида жойлашган обьектга нисбатан берилган бўлиши эҳтимол.

Талхак, Чашма топоними тожикча «талх» – «аччиқ» ва «чашма» – «булоқ» сўзларидан тузилган гидротопонимdir. Талхак атамаси ёлғиз ҳолда ишлатилган ҳолатлар ҳам мавжуд. Аммо жой номини «талхак» – «аччиқ» ўзагидан соғ ҳолда ишлатиш мантиқан ноқулай. Бу атама ҳам бир неча марта учраган бўлиб, у суви шўр булоқ бор ерда воқе бўлган қишлоқларга нис-

<sup>1</sup> Абу Райхон Беруний. Осор ул-боқия анал қурун ул-ћолия. Танланган асарлар. I жилд. – Т., 1968. 334-бет.

<sup>2</sup> Малицкий Н.Г.. Ташкентские махалли и мавзеи. В.В.Бартольду – друзья, ученики и почитатели. – Т., 1927.

батан «Талх чашма», «Тилхак чашма»лар каби номланган деб ҳисоблаш лозим.

Ушбу илова материаллари асосида хулоса қилинадиган бўлса, Бухоро амирлиги таркибига кирувчи аҳолининг этник мансублиги XX аср бошларида турлича бўлиб, улардан тоҷиклар ва ўзбекларнинг бир қадар юксакроқ ижтимоий уюшган даражага эришганлигини кўриш мумкин. Кўплаб майда уруғ ва этник диаспоралар ўзларининг этник мансублигини тоҷиклар ва ўзбеклардан фарқли эканлигини онгли равишда билишган. Ўзбек уруғлари ҳам Ўрта Осиёдаги азалий туркий уруғлардан фарқланган. Шу сабабли рўйхатларда ўзбеклар бошқа туркий қавмлардан ажратиб кўрсатилган. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, Бухоро Амирлигининг барча худудларида XX аср бошида тоҷик ва ўзбек тиллари ижтимоий бирлаштирувчи омил сифатида қундалик муомала воситаси бўлиб шаклланиб улгурган эди.

Хар икки тилнинг (ўзбек, тоҷик) ижтимоий вазифаси XX асрда ўзбек ва тоҷик миллатининг асосий белгисига айланди. Бу икки йирик ҳалқ атрофида ва улар билан биргалиқда яшаган кўплаб уруғлар, эл ва элатлар XX аср давомида тоҷик ва ўзбек ҳалқи таркибига ассимиляциялашди.

## ХУЛОСА

Бухоро амирлигининг Күшбеги архиви таркиби жиҳатидан ҳам деярли ўрганилмаган ҳужжатлар мажмуасидан иборат.

Шу архивга мансуб аҳоли манзилларининг 10 мингдан ортиқ рўйхатидан ташкил топган амирликнинг маъмурӣ тизими ўта ноёб тарихий манбалардир. Бугунги кунда юзага келган ушбу манбанинг маҳсус нашри рўйхатлар иловаси ва материалларнинг факсимал альбоми билан бирга давомий тадқиқотлар учун бекиёс аҳамиятга эга бўлди. Нашрни юзага чиқаришда акад. А.Р. Муҳамаджоновнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Күшбеги архиви устида, хусусан амирликнинг аҳоли манзиллари рўйхатини тадқиқ этган ва нашрга тайёрлаш йўлида меҳнат қилган олимлар Қ. Убайдуллаев, О. Чеховичларнинг руҳлари шод бўлсин. Ушбу нашрни тайёрлашга хизматлари сингган И. Йўлдошев, К. Ҳакимоваларнинг умрлари авзун бўлсин.

Биз тадқиқ этган материаллар асосида айтиш мумкинки, Бухоро амирлиги аҳоли манзилларининг номлари шунчаки топонимлар бўлмай, балки жуда қимматли манбалар сифатида амирликнинг сўнгги босқичидаги ижтимоий иқтисодий вазиятни, бошқарув тизимини, аҳоли этник таркибини, маданий-маънавий ҳаётни ўзида яққол намоён этади. Жой номлари амирлик таркиби, жамиятига хос булган ижтимоий ҳаётни бевосита қишлоқлар ва манзиллар орқали кузатиш имконини беради.

Аҳоли жой номларининг амирлик географик харитасида жойлашуви ўзбек ва тожик аҳолининг мамлакат миқёсида тарихан азалдан ёнма-ён ва бирга яшаб келганлигини кўрсатади.

Шуни ўзиёқ кейинчалик совет даврида миллый чегаралаш сиёсатининг ўта сунъий ва қўпол зўравонлик билан амалга оширилганини яна бир бора исботлайди.

Бу ҳақиқатни биз таҳлил қилган топонимик ўзак сўзлар, уларнинг туркий ва тожик тилии қатламлари бутун амирлик бўйлаб аралаш ва ёнма-ён амал қилганини яққол кўрсатиб турибди. Каркидан Дарвозгача, Термиздан Зиёддингача барча худудларда етакчи этнос сифатида ўзбек ва тожик халқи бирга яшаган. Улар қаторида ўнлаб этник гуруҳлар у ёки бу тил таъсирида ўзбек ва тожик халқлари билан ёнма-ён яшаган.

Жой номларининг мазмун қатламлари Бухоро амирлигининг ижтимоий вазиятини аниқ ифодалайди. Бек, бой, хожа, сайд, ҳазрат ва бошқа ўзаклардан тузилган жой номлари ижтимоий қатламлари ҳамда аҳолининг ишонч, эътиқод ва ихлосли муносабатларидан дарак беради. Бевосита этник номлар асосида шакланган жой номлари амирликнинг аҳолиси этник таркибини кўрсатади. Шу маънода амирлик ўнлаб туркий ва эронийзабон этник мансуб аҳолини бир сиёсий уюшма атрофида бирлаштирган ва уларнинг мувоғиқ ижтимоий ҳаётини бошқариб турган.

Таҳлил этилган архив материаллари хали кўп жихатдан жиддий ўрганилиши лозим. Хусусан, жой номларининг қадимий қатламлари, айниқса қадимги туркий ва сұғдий қатламлар хали мутлақ ўрганилган эмас.

## ИЛОВАЛАР

Бухоро Күшбеги архиви ҳужжатларининг асосий кўпчилиги турли амалдорларнинг муҳрлари билан тасдиқланган. Муҳрларнинг мавждулиги Бухоро амиригининг марказий ва маҳаллий бошқарув тизимини, ҳуқуқий мулкий муносабатларини, солик тизимиға тортилган мулклар рўйхатининг тасдиқланган муқаррар ҳолатини кўрсатади. Шу жиҳатдан Бухоро амиригига Күшбеги архивидаги муҳрларни сфрагистика тадқиқот усувлари билан алоҳида мавзу сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Биз қуйида ушбу қимматбаҳо тарихий манбанинг баъзи намуналарини келтирамиз. Уларда муҳр эгаларининг номлари, лавозимлари, ҳужжат тасдигига даҳлдор шахслар ҳакида маълумотлар борки, булар XIX аср охири – XX аср бошларида Бухородаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазиятни ўрганишда фойят қимматлидир.

Ф-132 рақамли ҳужжат Абу Ҳафизбий Иноқи Калон. Ислим, унинг иноқ мартабаси, лавозимининг, яъни иноклик даражасининг «катта инок» мақомидаги амалдор эканлигини кўрсатувчи муҳр билан тасдиқланган. Муҳр тўғри тўртбурчак шаклида. Ҳужжат Бойсун вилоятидан келган хабарнома бўлиб, Күшбеги архиви таркибида 71-сақлаш рақами остида. 72 варак. Ҳужжат хати Ўрта Осиё насталиғида. Тили тоҷикча.

314-бет. Мирзо Абдулкодирбий 1323 ҳижрий 1914 милодий. Ҳужжат номи Шеробод вилоятидан хабарнома. Бу муҳр ҳам тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, пастки қирралари қийтимлик (45 %). Хат услуби Ўрта Осиё насталиғи. Матн тоҷик тилида ёзилган. Сақланиш рақами – 71. 27 варак.

244-бет. Муҳаммад бин Сайдебек Кармана вилоятининг қишлоқ ва масжидлари, мавзе амлоклар (яъни чорвадорлар, кўчиб юрувчиларнинг вақтинча маскани) Нафис насталиғ (зебоий) хат тури қисман ним шикастга ўхшаб кетади. Муҳр тўғри тўртбурчак шаклида. Сақланиш рақами 45 варак. Форс тилида ёзилган.

235-бет. 1) Мирзо Муҳтор Навқоба Ғиждувон вилоятидан хабарнома 1334 ҳижрий, милодий 1916 й. Сақланиш рақами 70. 43 варак. Тоҷик тилида ёзилган. Ўрта Осиё насталиқ хат турида ёзилган. Муҳр шакли тўғри тўртбурчак, аммо пастки бурчаклари кирқилган.

Изоҳ: Ҳамма мухрларда Жалий (йирик) насталиқ хат туридан фойдаланилган.

2) Қози Мулло Абдул Ҳаким Зудур. Ғиждувон вилоятидан хабарнома.

227-бет. Қози Мулло Бадриддин. Ҳижрий 1334 йил, милодий 1916 йил. Шофурком туманидан хабарнома. 70-сақланиш рақами. 33 варак. Үрта Осиё насталиқ хат тури, тили форсий, мухр тўғри тўртбурчак шаклида.

222-бет. Қози Мулло Ҳидоятуллоҳ Хўжа Аврок. Пирмас туманида 1916 йилги хабарнома. 70-сақланиш рақами, тили форсий. Үрта Осиё насталиқ хат тури. 1334 ҳижрий, 1916 милодий йил.

Изоҳ: Ҳужжат матнлари девонхона Муншийлари тартиб қилган хат битиш низомига кўра амалга оширилган, яъни варак ўнг тарафида арз ёки шунга ўхшаш моҳиятни билдирувчи икки энлик битик тепасидаги ҳарфлар тасдик ёки инкорни англатган. Чап томонда эса қабул қилиниш тартиб рақами варак ўртасида сарлавҳа мурожаат билан ҳар бир сўз қалаштириб янги сатрни юксалиб борган.

217-бет. 1) Қози Муҳаммад Ориф Хўжа Судур. Вобкент вилояти деб аталар эди. 1916 йил хабарномаси. 70-сақланиш вагари. 24 бет. Хусусияти Маскурадир. Тўғри тўртбурчак шакли. Тили форсий.

2) Ҳожи Ортиқ Хўжа авроқ. Жанубий 2 қиррали қийтимланган, тўғри тўртбурчак шакли.

215-бет. Акобирбек Мирзо Хўжа. Камот вилояти хабарномаси. Ҳижрий 1332 йил, милодий 1914 йил. Сақланиш рақами 70. 20 варак. Бу мухр ҳам тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, жанубий қирралари қийтимланган (45 %). Хат услуби Үрта Осиё насталиғи, форс тилида ёзилган.

210-бет. Мирзо Ғулом Қодирбек Тавқоба. Қадимги Абу Муслим туманидан хабарнома. 1914 милодий 1332 йил ҳижрийда ёзилган. Сақланиш рақами 70. 25 варак. Үрта Осиё насталиқ хат турида битилган. Форс тилида ёзилган.

202-бет. 1) Юнус Хўжа Мир Охур (Ахвар).

2) Қози Мулло Ҳомид Хўжа. Ҳужжат номи Зандани туманидан хабарнома. Милодий 1916 йил, ҳижрий 1334 йилда ёзилган. Хат услуби Үрта Осиё насталиғи, форс тилида ёзилган. 1-мухр

түртбұрчак, жанубий қирралари қийталанған (45 %). 2-мухр түғри түртбұрчак шаклида ёзилған. Сақланиш рақами 70. 20 варал.

198 бет. 1) Қози Мулло Ислатулло Хұйжа.

2) Мирзо Абдулкаримбек. Мирзо Ахур. Хужжат номи Хайробод туани қишлоғидан хабарнома. Сақланиш рақами 71. 10 варал. Хат услуги Үрта Осиё насталиғи, форс тилида ёзилған. 1-мухр түғри түртбұрчак шаклида ёзилған. 2-мухр түғри түртбұрчак жанубий қирралари қийтимланған.

## علی‌الله علی‌الله بن‌ابن‌بیهقی محدث اهل‌بیت

مسند فتن بذمت پسرها فت رسول دشنه نموده کرد و زاده پسران  
 یا معاویت افزاں بن‌وزیر شیخ مسلم از فاسدین مردانه بوده است که  
 در حکومت ولایت بایرون چندی احلاک دارد هر چند قشوق بودن را از همین  
 تجربه نموده و پس از آن به فرزند از حکومت بایرون تسلیق نموده که وزیر امور خارجه  
 نامه‌ای از حکومت فشای قدر از نشست فرستاد که از برایی داشتن نامه‌ای قشونی  
 در بیانات اغلبیت دوستی از فرزند افسوس کرد و نموده علاوه بر این فخر از روحی بیرون  
 از بن‌بن در حکومت ولایت بایرون چندی احلاک دارد هر چند قشوق بودن را از همین  
 واقعه از نشست تسلیق نموده پس از این سیده به فرزند از حکومت بایرون تسلیق نموده که وزیر امور خارجه  
 اش را مطلع نموده نامه‌ای از حکومت فشای قدر از نشست فرستاد که وزیر امور خارجه  
 در جوف دعا؛ مهد نموده بن‌بن فرستاده بایرون نامه‌ای دو خطیز کرد و در خطیزات  
 از فرساییک و ماه ربیع اول سال ۱۳۷۴ هجری



۱۹۱۹ میلادی مهر برگزین

جت بندادت درست بدر ملکه زنگی از نهنچ

سر و صد بذای سداد بع منش کن ری جید بندادت درست بفرن بفرن

هزار ده مرد زرلا بخت مرد افونه هم سبیله انداده برسنه دلک صیره و بشرفت دوزن خداوند

پر بخیرت بوده بپاسنه سازدزرت فیروزه رشان بسیمه هشت مرست با

چنانه درین آوار عورت ازو غصه در دعا حادت رحیمه ای جن رای شریف پیر  
رعیمه ای رکسیه بسبی رشدان بخفر بکار فرموده ای نمکو از رچتر نفخه  
بسیاده ده، دیغز خدیه هاشم شلاق، هاشم سونه بعثت هاشم برخود نهاده  
ولایت شیراز، دیغزه روسخ فشدق، بشه سیعام احمدکه رویخنگاره نزد  
نند افغان خرچه کاره بردند فخر سرافق نکتب چهان آدم فرموده برادرلی  
مومنات فشدق آن سریطه تربکاره در بون حملکه ایشته فرست دیگر دنیا  
مرد و شد بکه همچویه، فریاد میخیم بوزده، و زنگی ایلو ملکیت هم و دیزدله  
از بیت عالم دیگر نیزه، دیگر رسمه



## نئی فہرستی اور سوچیں

۱۰۷- فرموده بیان کردند که نظریه این دو مکانیزم مغایر است.

**شمشادی** بیان زندگانی و این روزهای سعدی

گردشی: پاییز ۱۳۹۷

لشکر خوارزمشاهیان بجهات سرخراز، سرخی و سرخ

سخنوری، ایچ-ای و هورستزبرگ  
پلیسی، هری و فرانکلین

شمشادی نیز این را که فرمان

نحوتی: بس شش سه مرد

**مکالمہ نئی ستر نئیں ملے نئیں نئیں نئیں نئیں نئیں**

سازمان اسناد و کتابخانه ملی ایران

لطفاً میخواهید که این روز را با خود بگذرانید

فرانز شرودر فریدریش شرودر فریدریش شرودر

سندھی: بیان پر سوچ اور سخن میرزا عجمی بخاری

گزینه شرکت پیشنهاد شرکت های تکنولوژی اطلاعات و سایر شرکت های مرتبط با این صنعت

دسم کوٹی خلیج      دسم کوٹی خلیج      دسم کوٹی خلیج

شکری بکه و پیشنهاد زمانه دارند و میتوانند جایزه ای را برای این

**نیشنل بانک آف سوویٹ زیم** **نیشنل بانک آف سوویٹ زیم** **نیشنل بانک آف سوویٹ زیم**

جیز کردن  
تلویزیون پیغام میگیرد تا پس از اینکه فتوکروماستیک را در خود نمایند،  
آنها باید این پیغام را در خود نداشته باشند.

لشکر پیشنهاد می‌گیرد که نظر فرزند را در مورد این مسئله شنیده باشد

سید علی شریعتی و میرزا علی شریعتی

پیشنهاد می‌نماید و در پیشنهاد می‌نماید

کرنی مکوم و دست رفته، چند جزوی از آنها و تجزیه آنها، بسیار جزئیاتی در اینجا

میراث شیخ قریب احمد

سخنگاه ایجاد شده است

جانبدار مرن و در پن ابرد هم بزرگ نهیز

بسد از در در عریقین سپس ار ان کو نه د جزو زم آد بجهن بن  
مرن از در در پن ها تو ایشان از د ۱۲۳ ایم مرن هر د نیان نهیز  
دو چکوم نومان مجده دین چند فشداق بودن راجح حق نموده تا همان فشداقها نمود  
با هشتاد و نیم کار د فرسایند ایندیا کار سرمه کار ان د خوش خامونی فرن مرن ک  
از بر تر نیم کار د چند کار فشداق د پیم بودن هر کدام فشداقها راجح حق نموده ای  
و هنادن نویم حق پرسیده رون و پرسخه کار د هنادن د نیم کار د کو هشتاد  
پدر نیم فردیه هر دنیم از نیم از نیم و میم خود گفتند بزم و مادر فرمدند ایم سرمه ایم  
غیره جاده ای د سلکه ای  
سلیمانی ای د نیم بزرگ نهیز

باید  
مختبر دزدینهم رعایت  
لذکر در قدر و مه داشتم

مذہبیں فرید بیان مختصر کو اپنے

سر و غم نیز را کنید که من تغیر در ذات و راز در بجهات جدیع ایشان را فهم نمایم و از آن  
آنکه پادشاه ملکوم زمان شریعه مسیحیت شدید بودن را تحقیق نموده در رومان  
آنکه پیشتر قدرتی بورن را میگیند و ایشان را همچنان شدید باشد از دشمن و بیشترین کارهای  
ذشتگانه را بخلکارده بودند از تائید رسمی جایا قدر کردند و علاوه بر این سبب نیز  
و نیز هم از این نهاد را بخیلکارده بودند در وین و این را سرو غص سیدارم این بزم

اور سسہم بڑے بھر سسہم علیکم  
بزد و بزم امام جادہ را دوں کر کارنہ چیز  
سلطان ۱۹۰۶ء فیروزیں کے اول نہیں میر

مکالمه در لطفاً آن بزین  
در ۲۱ ماه آذر سال

پنجم

بیان و بذل بیان

سرد من رفیع شرمنه میر درود و میر امید میره بازدیده اند کوچم

دوه من مرسته بیان شد و دین میگشیده بیان شنایه در دلگذره

زسانه نیمه زار بیان همچنانها زردی مرسته شان تغییل

تحقیق کرده ناصای تقدیم تا در این خلیل بازدیده مزدی از تعاونی

شان مروه مدد شسته میخورد و بکر شرمنه دست مادر مرسته مدد شنیده



بروزه شرمنه درود

درود زدم این بور از اسلام فرج

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ  
جَنْبَلْ بَنْجَلْ بَنْجَلْ

سر و فیلم بست سر و سر خاکبست رسانیده میشود که در پیش آن بینجا  
بند زدندار صدر فراخان شرف و رود بیان است که دیگر کنم و بینجا  
بند شرق بودن رجیعی نموده بین داشتند اما شرق باز از دوست  
رو خواکرده بزودی راستایند محبت با هر ابد مرد و زن جانش  
دولت آدم زموده ترد کرد چنین قشداق داشتند تو همان رنگو  
خوب نهستند و شن بینی کردند اما شرق باز نام نیم رفته  
از تعقیب نمیزدست نی رحمادت و زنگوست خانه به فوت

سر و فد شسته میشود تا سر شنیده باشد

شمشاد ملابق و فیور لاله لاله طیریل

جانب زار پنجه هر میخ با هر مرد که هر ریگ فرشتگان

بسه از هزار پیش هزار دان کونه داده اند بسیم که دزد را پنهان نمایند

بنوز شنیدند نام مردمت ن شرف و رو دنیا فته بوده است که در این قشتا

و همینجا در دنیا همراه عینیه را سپاهیار بوده از زوج همکنی روسیه زرمه همچو  
خلانده استاده دناد رسینی خلده نام فشنده فهم سوشه باعث شنیداده همچو

پیشود بنا بر دن دارند همیز عبده از رسول حضرت فرموده که با عذک هر کده خشم ای

چند فرشتندی باشد به ترتیب روی خلا با گزره کرد همراه همراهی سفرسته باشند


روی خلا های مومن ها حشمتیک شنید دزد را پنهان چسب غرمان آن خیدم دو خانه

و مین و قصقا دان تو مان که مات راجح نموده نام فشنده فهمای قوربگه که مات در خود

و حشمتی کرد همیز سیده بترتیب و خیطر داده در جوف زمین اند همچو

در روز و نیم هر ریگ لادول ایستاده فرشتاده

و همینها به دن بعد مت پنهانیه بفریدم ملیک



جمایل را شناه فیض حبک میر پریز  
 سفر و فرد و فرد و تجیه شکاره جذت کشیده شفت والد حجر اینکه میر شاپا باز روز  
 روسیه از بیخ نه خلده شده بسیاره بنا بر داد معاقد نمود کوین بر عیاهان بخارابیه  
 در بعث قشلاق سهود شنبه نمک بیست هزار رامینود کفته از نیوجن بوزشتا به مر جها  
 بیز راه بزرگ از پیغمبر در زمین غدراندارد بین کمترین دعا کوی و تبعاً آنکه برواده بوده  
 بتویع اولک بر کدام از شهانیم متعاد قشلاق بشده بر تربیت جهتیم نموده روند خط کنند  
 فردا نید ایند عکوی ذرت از فعالیت از فراموش جبار میر شاپا هنم نام ماقشلاق  
 تو اربع تو مان کام آبیم را در خط کرده به مر جهود از نهجه جذت برگت جنابه همه  
 رو از نموده موافق نموده بته سرمه نهاده برقی دنها و جبار میر شاپا هر شغل را ششم  
 به مر جهود علیک نموده شکور بی اشنا سنتلا سلطان  
 ۱۳ فیورال سنتلا ولد مید و تحریر است

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

دَرْسٌ

جَنَابُ وَزَرْبَنْ مَهْمَنْجَاهُ لَامَهُ  
مَهْمَنْجَاهُ لَامَهُ مَهْمَنْجَاهُ لَامَهُ

مَهْمَنْجَاهُ لَامَهُ مَهْمَنْجَاهُ لَامَهُ مَهْمَنْجَاهُ لَامَهُ

أَصْفَحَجَاهُ لَامَهُ مَكْتُوبَ بِرَوْبَرَاهُ دَهْمَ رَبِيعَ أَكْلَهُرَ تَمَ عَدَرَهُ دَهْشَهُ كَهْ  
بَهْ نَوْزَرَنْ أَصْمَعَلَاهُ رَاهُ بَهْ بَهْتَشِيدَهُ لَوَدَهُ زَندَهُ دَهْلَهُمَ زَندَهُ جَهْنَدَهُ قَنْدَهُ  
بَهْ دَنْ رَهْجَعَقَنْ غَوَدَهُ دَرَتَوْبَانْ مَذَكُورَهُ خَيْرَهُ قَنْدَهُ لَوَدَنْ رَهْجَعَقَنْ  
نَصَائِيْ قَشَدَهُ قَهَارَهُ دَرَشَنْ بَهْ بَهْتَشَاهَهُ كَرَدَهُ تَوْشَتَهُ دَهْلَهُلَهُ لَرَدَهُ بَهْ زَرَدَهُ  
فَرَسَاتَهُ بَهْتَهُ بَهْتَهُ كَهْهَهُ مَهْمَتَهُ بَهْهَهُ مَهْمَتَهُ دَهْهَهُ مَهْمَتَهُ قَبَدَهُ بَهْهَهُ  
غَورِيَادَنَهُ لَهَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ  
دَهْ دَفَتَهُمَ رَهْلَهُلَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ  
بَهْزَرَهُ سَابَكَهُ مَهْلَهُهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ لَهَهَهُ

۲۲۳

دَهْ مَاهَ حَمَادَهُ لَهَهَهُ

۱۹۱۵ مَدَدَهُ لَهَهَهُ


وَحْلَهُ لَهَهَهُ

۲۸ فَيُولُوْلَهُ

جنون ایشان همچو بیکنیز کلکلی

سروه من نجذب در سعادت جنون دین بر صفحه هفت را وارد کنید  
 از دم بر قلمهای تو اخ نفر دیگن بنوز رشتند و ملکه ای در دهه  
 از دم بر قلمهای تو دم معاشر دیگن خلکند و پیاده اما داعی فخر بهشت قدم  
 پس سود هشتاد هزار باغت خری که بمنود نفت بو، نکره در زمرة ملکه نوز  
 در ساعت بیک پی ندعا کوی از معمون منه رفاقت اوی بیست بیک موافق  
 محظوظ دخواز نکدن خورد دهد خداوند نون در عرفت به مقدم دستش نشند منه  
 نه خود ران در حقیق می خوده رسیده همین هم در خود می خوده در خوده همه  
 خود شاده بجهاده در زمرة ملکه نوز مت دی نزرفت جنیشیه بی خرسته  
 سروه صدر کته سُد پلکنی فرز مبارکه ای در بده مسدی خب ب ریسته  
 رود چندیم بعائی می خوده از نفقت بیان سه در هر بیک اعلیه  
 ۱۳۲۴هـ ریسمان ایاد راه ۱۳۲۱هـ ریماه فیوری

۱۱۱۱- تحریر، نسخه



XIX –аср охири ХХ –аср бошларида Бухоро Амирлигининг маъмурий –топонимик тизими харитаси

## **Фойдаланилган манбаа ва адабиётлар рўйхати**

1. Приветственное слово Президента Ислама Каримова на торжествах, посвященных 2500 летию Бухары. 19 октября, 1997 г.
2. Населенные пункты Бухарского эмирата / Отв. ред. А.Р. Мухамеджанов. – Т.: Университет, 2001.
3. Список населенных мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Вып VII. Сурхандарьинская область. – Самарканд: Изд. ЦСУ УзССР, 1925.
4. Список населенных мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Вып VI. Зарафшанская область и отдельный Кенимехский район. – Самарканд: Изд. ЦСУ УзССР, 1925.
5. Список населенных мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Вып I. Таджикистан. Самарканд. Изд. ЦСУ УзССР. 1925.
6. Список населенных мест Узбекской ССР и Таджикской АССР. Вып V. Кашкадарьинская область. – Самарканд: Изд. ЦСУ УзССР, 1926.
7. Список населённых пунктов Узбекской ССР. ЦГА РУз. Ф. Р-1619, оп II, ед. ех. 79.
8. Моев Н.А. Очерки Бухарского ханства. – С. Петербург, 1875.
9. Мухамеджанов А.Р. История орошения Бухарского оазиса (с древнейших времен до начала XX века). – Т.: Фан, 1978.
10. Ситняковский Н.Ф. Заметки о бухарской части долины Зарафшана. – Т., 1900.
11. Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографические очерки). – Т.: Изд. АН Уз ССР, 1958.
12. Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – С. Петербург, 1841.
13. Чехович О.Д. Бухарские документы XIV в. – Т.: Наука, 1965.

## **МУНДАРИЖА**

<b>СҮЗ БОШИ .....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. Бухоро амирлигига XIX аср охири XX аср бошларидаги маъмурӣ тизимнинг тарихий тавсифига доир .....</b>	<b>6</b>
1. Бухоро амирлигининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги маъмурӣ, сиёсий, ижтимоий аҳволи .....	6
2. Амирлик маъмурӣ тизимининг тарихий топонимикасига таснифий ёндашув масаласи .....	11
Этнотопонимлар қатлами .....	17
<b>II БОБ. Бухоро амирлиги топонимларининг тарихий таҳли- лига доир .....</b>	<b>25</b>
1. Аҳоли манзиллари ноларининг шаклланиш тамойиллари ва уларнинг тарихий таркиби (ижтимоий, тарихий таҳлил) .....	25
2. Топонимлар амирлик ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёт ва этник муносабатлар тарихининг манбаи сифатида ....	35
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>41</b>
<b>ИЛОВАЛАР .....</b>	<b>43</b>
<b>Манба ва адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>58</b>

*Абдуваҳобова Махфузас. Күшбеги архивида тарихий топонимлар ва Бухоро амирлигининг маъмурий-худудий тизими.* – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2006. – 60 б.



Тех. мухаррир: **C. ЮСУПОВА**

Комп.версткаси: **M. ЗАРИФОВ**

Матн терувчи: **Ш. АБДУВАҲОБОВ**

Илмий рисола ТошДШИ Марказий Осиё халқлари тарихи кафедрасида тайёрланди.

Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (№ 7 баённома, 30.03.2006 й.).

Босишига руҳсат этилди 26.07.2006

Бичими 60x84 1/16 Шартли 3,75 б.т. 200 нусхада босилди. Буюртма №

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг кичик босмахонаси.

Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006